

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ҚАДРЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР, МЕҲРИБОН МУРАББИЙЛАР!



Da'vat

Olim kerakki, o'z ilmining poya va miqdorini asragay, gavharni imtihon uchun toshqa urmag'ay.

Alisher NAVOIY

Kuch – bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan

2004-yil 29-sentabr, chorshanba

№ 79 (7688)

Бутун Ўзбекистон болаларига ўз ота-онасидек яқин ва меҳрибон бўлган сиз, муҳтарам мураббийларга, юзлаб, минглаб заҳматкаш ўқитувчиларимизга Ватан ўз келажагини ишониб топширган, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ислон КАРИМОВ



ҚАҲРАМОНЛАР УЧРАШУВИ

Суратда: Ўзбекистон Қаҳрамонлари — (чапдан ўнга)
А. Маҳмудова, В.Пак, М.Исматова, М.Закиров.

2-БЕТГА ҚАРАНГ

ЗИЁ ҚАЛБИНГИЗНИ ЭТМИШДИР ВАТАН

Муаллим, сиз — турфа дарслар олами, юрагида ихлос, хослар сирлашган. Имлолар жадвали, сонлар кўлами, қадим ул асрорлар сизда бирлашган.

Рухий ва жуғрофий кенгликлар бари сизнинг қалбингизда намоён, яхлит. Шуур майдонининг масалалари: дарак гап, ундов гап, сўроқ гап тахлит.

Муаллим, сиз — кабир, сиз — улуг, лекин дилни мунисликка ошно этасиз. Давралар тўрига ўтмайин, секин қимтиниб қуйидан келиб, кетасиз.

Қалб кўрин бергансиз дунёнинг шердай от миниб, гўз урган нечаларига. Ўзингиз хокисор юрасиз бирдай пиёда сабоқнинг кўчаларида.

Нури сийрож порлаган кўзингизда армонлар лим-лимдир, умидлар лим-лим. Армонларни қолдириб ўзингизда, учиргайсиз умидларни муаллим.

Маърифат чашмидин сув ичган дарахт мурувват сизга тан, меҳр сизга тан. Илм туфроғида бўй тортган дарахт — зиё қалбингизни этмишдир Ватан.

Муаллим, сиз — турфа дарслар олами...

Икром ОТАМУРОД

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ
ЎҚУВЧИДА ШАХСИ
ТАРБИЯЛАЙДИ

3-бет

ПРЕЗИДЕНТ
СОВФАЛАРИ

билим олишга рағбат,
келажакка ишонч уйғотди

5-бет

ГАЗЛИГА ФАЙЗ
БАХШ ЭТГАН
МАКТАБ

5-бет

МЎЪЖИЗА
РЎЙ
БЕРДИ

7-бет

ҚАҲРАМОН
МУАЛЛИМАНИНГ
ЭЪТИҚОДИ

7-бет

«СИРЛИ
САНДИҚ»

уни очишга ўқитувчининг
калити борми?

9-бет

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
ҚОНУНЛАР

хўжа кўрсинга
бажарилмасин!

14-бет

СПОРТДА ҲАМ
ИЛҒОР
БЎЛИШДИ

15-бет

«ИШОНЧ»
ЧАЙНВОРДИ

16-бет

SO'NGGI
UCH KUN
MUJ DALARI

FARMON

O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligini tashkil etish to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni matbuotda e'lon qilindi. Bu farmon madaniyat va sportni rivojlantirish muammolarini kompleks tarzda hal etish, jismonan sog'lom, ma'naviy jihatdan boy va barkamol shaxslarni tarbiyalash uchun shart-sharoitlar yaratish, sog'lom turmush tarzi va sportga muhabbat tuyg'usini singdirish, aholining madaniy va estetik talabehitoylarini yanada to'laroq qondirish, shuningdek madaniyat va sport sohasini boshqarishni takomillashtirish, bu sohada davlat siyosatini amalga oshirishni muvofiqlashtirish darajasini ko'tarish maqsadiga qaratilgan. Bundan tashqari O'zbekiston Respublikasi Madaniyat ishlari vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Davlat jismoniy tarbiya va sport qo'mitasi tugatilib, ularning negizida O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligi tashkil qilinishi ko'rsatilgan.

* * *

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga ko'ra Shermat Nurmatov O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vaziri etib tayinlandi.

ISHONCH
YORLIQLARI
TOPSHIRILDI

«Jahon» axborot agentligining xabariga ko'ra O'zbekiston Respublikasining AQShdagi Favqulodda va muxtor elchisi, mamlakatimizning Kanadadagi o'rindoshlik bo'yicha elchisi Abdulaziz Komilov Ottavada Kanada general-gubernatori Adrianna Klarksonga ishonch yorliqlarini topshirdi.

Suhbat chog'ida ikki tomonlama munosabatlarni rivojlantirish istiqbolari muhokama qilindi. A.Klarkson O'zbekiston ko'p asrlik madaniy merosining jahon tsivilizatsiyasi uchun ahamiyatini alohida ta'kidladi va Kanada O'zbekiston bilan uzoq muddatli hamkorlikni rivojlantirishdan manfaatdor ekanini bildirdi.

ҚАҲРАМОНЛАР УЧРАШУВИ

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Байрам шуниси билан ҳам яхши: узоқ вақт кўришмаган инсонлар дийдорлашишади, чехраларга табассум инади, қайсидир мавзулар муҳокама қилинади ҳам. Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами арафасида Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган устозларнинг жамланиши ана шу касб бошини тутган ва уни улуглаб келаётган муаллимларнинг шижоатига шижоат, байрам кайфиятига кайфият кўшди. Жиззахлик Марат Зокиров,

хивалик Вера Пак, тошкентлик Мавлуда Исматова, қўқонлик Манзура Мадалиева... Бугун уларни барча танийди ва уларга ҳавас қилишади. Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида бундай номлар сафига яна бир муаллим номи қўшилди. Юрт раҳбари фармонига биноан Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директори Анор Маҳмудовага ҳам юксак мукофот — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилиши барча таълим соҳаси жонқуярларини қувонтирди. Куни кеча Халқ таъли-

ми вазирлигида ташкиллаштирилган учрашувда дийдорлашган қаҳрамон муаллимларни элга танитган Фидойилик, Одамийлик, Жонқуярлик, Матонатлилик ва Маърифатлилик десак, янглишмаймиз. Учрашувни Халқ таълими вазири Туробжон Жўраев бошлар экан, муаллимлик, мураббийлик хусусида сўз юритиб, шундай деди:

— Бугунги кундаги таълим тизимига берилаётган эътиборни шундан ҳам билиш мумкинки, истиқлол тўйи арафасида яна бир фидойи ўқитувчи қаҳрамон номига сазовор бўлди. Элини кадр-

лаганни эл кадрлайди, дейишади. Машаққатли касб бўлган муаллимлик бошини тутганлар ҳамиша эл ардоғида бўлиб келган. Ўтмиши улуг бўлган халқимизнинг келажagi ҳам улуг бўлишида хизматини аямаётган муаллимлар ҳамиша омон бўлишсин. Байрамнинг билан яна бир бор қутлайман!

Ўз навбатида қаҳрамон муаллимлар ҳам таълим соҳасидаги бугунги туб ўзгаришлар, эътибор ва унинг фойдаси хусусида сўзладилар. Тадбирда қатнашган ўқитувчиларга эзгу мақсад йўлидаги заҳматли меҳнатларида муваффақият тиладилар.

«ЎҚИТУВЧИМ — ФАХРИМ» ТАНЛОВИ ЯКУНЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Бундан бир неча ой олдин мамлакат миқёсида эълон қилинган «Ўқитувчим — фахрим» танловининг якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси томонидан эълон қилинган танлов якунларига кўра, «Энг яхши телеочерк, телелавҳа ёки интервью учун», «Энг яхши туркум радиолавҳа, радиорепортаж ёки радиоочерк учун», «Энг яхши очерк, мақола ёки фотолавҳа учун» номинациялари бўйича қуйидаги муаллифларга пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар берилди: дастлабки номинация бўйича — 1-ўрин М.Ҳасановага, 2-ўрин қорақалпоғистонлик М.Юсуповага, 3-ўрин С.Абдуллаевага насиб этди. Рағбатлантирувчи муко-



фотга эса Зангиота туманида яшовчи Қ.Юсупов сазовор бўлди. Навбатдаги номинация бўйича С.Зокирова 1-ўринга лойиқ кўрилди. Қорақалпоғистонлик Г.Ўразимбетова эса рағбатлантирувчи мукофот соҳибаси бўлди. Ва ниҳоят, кейин-

ги номинация бўйича 1-ўрин Т.Курбоновга, 2-ўрин Е.Чевренидига, 3-ўрин И.Бўрибоевга насиб этди. Рағбатлантирувчи мукофотларга эса Э.Иброҳимов, О.Очилова ҳамда Т.Ҳайит сазовор бўлишди.

Жамиятнинг бугуни ва кела-

жаги, унинг маданий-маърифий ҳамда маънавий салоҳияти, энг аввало, таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Ёшларни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларнинг шахс сифатидаги камолоти, билими, педагогик маҳорати, ўз касбига фидойилигига ҳам боғлиқ. «Ўқитувчим — фахрим» танлови материаллари қаҳрамонлари ана шундай фидойи устозлардир. Бугун уларнинг байрами, элнинг байрами.

Байрам шуниси билан ҳам кизик: унда фидойилар эл меҳрига сазовор бўладилар, тақдирланадилар.

Ҳар кунингиз байрам бўлсин!

Шерали НИШОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗО олган
суратлар.

САЙЛОВДА ФАҚАТ БИР
НАРСА ЯШИРИНЧА

у сизнинг хоҳиш иродангизни эркин
билдиришингизга имконият
яратиб беради

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган йиғилиш «Янги парламентга сайлов жараёнида журналистларнинг ҳуқуқий-касбий малакасини ошириш» мавзусига бағишланди. Йиғилишда журналистларга берилган қонуний имкониятларга батафсил тўхталинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов бошқариб борди.

Унда Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев ҳам сўз олиб, журналистларни сайлов кампаниясини бир томонлама ёритаётганликда айблади. Сайловга бағишлаб ўтказилаётган тарғибот, ташвиқотлар оддийгина тадбирга ўхшаб қолаётганини ҳам эътироф этди.

Бундан ташқари овоз бериш таъминлари ҳам тўхталиб, бу сайлов ошқора бўлишини, ҳатто, сайлов кутиларида атрофи ёпиқ ҳолатда

эмас, балки шаффоф бўлишини айтиб ўтди. Фақат бир нарса — сайловчининг овоз беришигина яширинча кечишини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам бу тажриба ошқоралик тамойилига мос эканлигини кўрсатади. Эслатиб ўтамиз, бундай тажриба МДХ давлатларининг айримларида синаб кўрилган ва амалиётда қўлланилган.

Демак, бу сайловда ошқоралик, адолатлилик асосий тамойил қилиб олиниши яққол кўзга ташланиб турибди.

Йиғилиш давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган бошқа кўпгина саволларига ҳам жавоб олишди.

Тадбирга бораётганимда «бу ҳам одатдаги мажлисбозликдир-да», — деган фикр хаёлимдан ўтганди. Йўқ, бу йиғилиш кўпгина саволларга ойдинлик киритди.

Шерзод АҲМАТОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институти жамоаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси материаллари ва икки палатали парламентнинг шаклланиши ҳақида» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказди. Семинарни кириш сўзи билан бошлаган ОПИ директори Ш.Шаропов ўз сўзида мазкур илмий-амалий анжуманининг долзарб мавзуга бағишланганлигини таъкидлади ва иштирокчиларни фаолликка даъват қилди. «Олий Мажлисининг иккинчи қақриқ XV сессияси ва Ўзбекистонда қонунчилик институтининг ривожланиши» мавзуидаги

ДОЛЗАРБ
МАВЗУДА СЕМИНАР

маърузасида профессор Ш.Шаропов истиқлол ва қонунчилик ривожига ҳақидаги муҳим фикрларини билдирди.

Шунингдек, семинарда ОПИ профессори Р.Сангировнинг «Ўзбекистонда бир палатали тизимдан икки палатали тизимга ўтишнинг объектив зарурлиги» мавзуидаги, ОПИ тингловчиси, Фарғона олимпия заҳиралари коллежи ўқитувчиси О.Содиқовнинг «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик палатасининг тузилмаси, иши, ваколатлари» мавзуидаги маърузалари тингланиб, муҳокама қилинди.

Семинар қатнашчилари қандай ҳолатларда қонунчилик палатаси ва сенатнинг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкинлиги, қонунчилик палатаси Спикерини сайлаш тартиби, муддати, ваколати, вазифалари, сенат иши кимларнинг фаолиятига асосланиши хусусида фикр алмашдилар.

М.АБУФАНИЕВА

— Хурматли Туробжон Икромович, ўтаётган йил халқ таълими тизимида ўзига хос бурилиш ясаган йил десак асло муболага бўлмайди. Бунга асос сифатида айтадиган бўлсак, йил бошида эълон қилинган Президентимизнинг фармони ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича эришилган илк натижалар ҳақида гапириб берсангиз.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, киритилаётган янгилликлар бугун нафақат юртимиз ахлининг, балки хорижликларнинг ҳам эътиборида. Бу ишларнинг табиий эканлиги хусусида Юртбошимизнинг ибратли бир фикрлари бор: “Мабридатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир”. Бунга эса тарихда мисоллар кўп. Юқорида таъкидланган Давлат умуммиллий дастурини ишлаб чиқиш учун Ўзбекистондаги умумий ўрта таълим муассасаларининг бугунги ахvoli Президентимиз фармойиши асосида тузилган махсус ишчи гуруҳ томонидан танқидий руҳда чуқур ўрганилди.

Таҳлилларга кўра ҳозирда республикадаги мавжуд мактабларнинг 40 фоизга яқини типовой бўлмаган мослаштирилган биноларда жойлашган, 684 та таълим ўчоги эса бутунлай авария ҳолатидадир. Бундан ташқари, марказлашган иситиш системасига эга бўлмаган, ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланмаган мактаблар ҳам анчагина. Уларнинг ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланиш даражаси ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу кўрсаткич атиги жами мактабларнинг 29 фоизидagina қонқарли даражада бўлса, бор-йўғи 15 фоиз таълим масканлари замонавий компьютер техникалари билан таъминланган холос.

Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам тарихий аҳамиятга молик. У мазкур жамғарманинг асосий вазифаларини белгилаб берди. Жумладан, жамғарма бюджет ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағларини, хорижий кредитлар ва грантларни мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини рўйбга чиқаришда мақсадли фойдаланиш учун жамлайди. Мактаб таълимини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуриш, мактабларни мукамал реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар, спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳажмларини молиялаштириш ҳам жамғарманинг асосий вазифасига киради.

Беш йил давомида Республикадаги жами 9727 та мактабларнинг 8476 тасида эски мактаблар ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди. Жумладан, уларнинг 2069 таси жорий таъмирланса, 3769 таси капитал таъмирланади, 2313 таси капитал реконструкция қилиниб, 325 таси янгитдан қурилади.



Янги ўқув йили арафасида Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Газли шаҳарчасида барпо этилган янги замонавий мактабнинг умумий кўриниши

Янги ўқув йилига қадар республикадаги мавжуд умумий ўрта таълим мактабларининг жами 638 таси, яъни 26 та янги мактаб қурилди, 8 та мактаб бинолари капитал реконструкция, 430 та таълим муассасаси иншооти капитал ҳамда 174 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилди. Эътиборлиси, бу кўрсаткичлар 2009 йилга қадар йилма-йил ўсиб боради.

— Болалар спортини ривожлантириш борасида юқорида таъкидланган ҳужжатларда бешинчи йўналиш бўйича бир талай вазифалар юкланган эди. Яқинда “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” бевосита Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Бунинг асосий сабаблари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Жорий йилнинг 25 августида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Юртбошимиз томонидан жамғарма қурган спорт иншоотларидан кимлар фойдаланиши керак, кимларга берсак қурилган иншоотлардан фойдаланиш самарадорлиги ошади, деган савол ўртага ташланди. Унда бир неча фикрлар билдирилди. Муҳтарам Юртбошимиз уларни умумлаштириб, бу иншоотларимиз баркамол авлодни тарбиялаш йўлида қурилаётган экан, болаларимиз қаер-

лат умуммиллий дастури тўғрисида”ги фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 321-сонли қарори билан жойларда янги қуриладиган мактабларда 325 та (шу жумладан, қишлоқ жойларида 300), капитал реконструкция қилинадиган 2313 та мактабнинг 1431 тасида (ҳаммаси қишлоқ жойларида) спорт заллари қурилиши режалаштирилди. Улардан 793 таси 9x18 ўлчамдаги, 938 таси 12x24 ўлчамдаги, 25 таси эса 18x30 ўлчамдаги спорт заллари бўлади.

Бундан ташқари, ушбу қарорга мувофиқ, белгиланган муддатларда мактаблардаги мавжуд 4974 та спорт залидан 2683 таси капитал, 1232 таси эса жорий таъмирланади.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг яқиний натижасига кўра, яъни 2010 йилга бориб, жами 6730 та умумий ўрта таълим мактаби ўз замонавий спорт залларига эга бўлади.

Спорт залларини жиҳозлаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимиз топширигига биноан тегишли вазирлик ва идоралар, мутахассис-экспертлар жалб қилинган ҳолда давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб, зарурий жиҳозлар билан спорт заллари ҳамда майдончаларини жиҳозлашнинг ил-

Халқимизнинг фахри бўлган Рустам Қосимжонов каби ёшларимиз бу авлоднинг қалдирғочларидир ва уларнинг сафи тобора кенгайиб боришига мен қатъий ишонаман.

Ислом КАРИМОВ



Ўзбекистонда болалар спорти жадал суратда ривожланмоқда. Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Тошкент шаҳридаги ўзи ўқиган 90-мактабга бориб, мактаб жамоаси билан учрашди ва ёш шахматчилар билан дونا сурди.

публикаси ва барча вилоятлар, шаҳар-туманларда А.Авлоний номидаги Марказий малака ошириш институти ҳамда унинг вилоятлардаги филиалларининг ҳудудий мувофиқлаштирувчи марказлари ташкил этилмоқда. Бундан таш-

қарилиб берилмаган. Моддий томонини оладиган бўлсак, ўқитувчилар иш ҳақининг оширилиши, иш ҳақларига кўшимча устамаларнинг белгиланиши, бу ҳаммаси ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш учун қилинаётган ишлар. Энди шунга яраша жавоб ҳам бўлиши керак-да. Ўқитувчиларнинг асосий иши баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ўқитиш. Зиммамиздаги мана шу масъулиятни биз — ўқитувчилар ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Иккинчи бир камчилик — барча ўқитувчиларимиз ҳам болаларнинг мактабдан, синфдан ташқари таълимига, масалан, тўгараклар, фойдали тадбирларга жалб қилишга етарлича эътибор бераётганлар деб айта олмаيمан. Айрим ўқитувчиларимиз бор — улар фидойилар, эрталаб ишга келгандан ўз вазифасини сидқидилдан бажаради ва дарсдан сўнг мактабда қолиб, болалар билан уларнинг билимини ошириш устида, касб танлашга йўналтириш бўйича иш олиб бораёпти. Лекин ҳамма бирдай шу ишни бажармаяпти. Биринчи вазифамиз — таълим сифатини ошириш, ўқувчиларга бериладиган сабоқлар янги педагогик технологиялар асосида берилишини таъминлаш. Собиқ иттифоқ замонида ишлатилган педагогик технологиялар эскириб бўлди. Энди математика бўладими, она тили ёки физика бўладими, қисқаси, ҳар бир фан бўйича янги педагогик технологияларни яратиб, улар орқали болаларга билим бериш лозим. Буни ҳар бир ўқитувчи билиши шарт. Бунинг учун ўқитувчи доимий равишда изланиши, замон талабларидан орқанда қолиб кетмаслиги керак. Янги ўқув йилини ўқитувчиларимиз жуда кўтаринки кайфиятда бошлашганининг гувоҳимиз. Улар ойлик маошлари ошганидан, кўшимча устамалар берилишидан хурсанд. Аммо айрим ўқитувчиларимизда жўшқинлик, ўз ишларига фидойилик кўринмаяпти. Бу қабул қилинган умуммиллий дастурнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етмасликдан деб биламиз. Шу боис келгусидаги бир-бир ярим ой муддатда ушбу ислохотлар моҳиятини ўқитувчиларга яна бир бор тарғибот қилишимиз, бошқача айтганда, уларни уйғотишимиз керак. Мен янги раҳбар сифатида мана шу ишни бугунги кундаги асосий вазифам деб биламан.

— Муаллимларга байрам тилакларингиз.

— Ўқитувчилар ва мураббийлар куну умумхалқ байрами сифатида ҳеч қайси давлатда нишонланмади. Ёшлар тарбияси, таълими ҳамда ушбу улғувор вазифани бажарувчи ўқитувчи ва мураббийларга халқимизнинг азалий муносабати, эътирофи ҳамда ҳурмат эътибори сифатида намоён бўлган ушбу байрам билан ўқитувчию мураббийларни, тарбиячилар ва таълим-тарбия ишга камарбаста бўлган барча юртдошларимизни самимий муборакбод этаман. Халқнинг, давлатнинг юксак ишончига муносиб бўлиш хисси уларни тарқ этмасин.

ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ ЎҚУВЧИ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири
Туробжон Жўраев билан суҳбат

да таҳсил олаётган бўлсалар ўша ташкилотларнинг тасарруфида бўлишлари керак, деган қарор қабул қилди. Вазирлар Маҳкамасининг 410-қарори билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига берилди. Унга кўра ушбу жамғарма раиси, бир вақтнинг ўзида халқ таълими вазири ўринбосари эканлиги белгилаб қўйилди. Бу ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлди.

Энди бизга икки дастур бўйича амалга ошириладиган ишларни узвий боғлиқ ҳолда, мувофиқлаштириб олиб бориш имконияти туғилди. Бу тадбир натижасида бюджет пуллари иктисод қилинади, қурилиш ишлари тартибга солинади. Бугунги кунда 2005 йилнинг манзилли дастури биргаликда ишлаб чиқилди. Бу дастур тасдиқлангач, уни молиялаштириш, тендерлар ўтказиш ишлари амалга оширилади.

Дарҳақиқат, болалар спортга Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида алоҳида эътибор қаратилган. Негаки, мавжуд мактабларнинг фақат ярмигина спорт залларига эга, уларнинг ускуналар ва анжомлар билан жиҳозланиши 23 фоиздан ошмайди.

“2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Дав-

лат асосланган меъёрлари ишлаб чиқилди. Унга кўра мактабларда жисмоний тарбия дарсларини ҳамда машғулотларни олиб бориш учун камида 72 номдаги спорт инвентарлари бўлиши талаб этилади.

— Таълимдаги самарадорлик асосан ўқитувчи шахси билан боғлиқ бўлиб қоляпти. Уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш учун қандай ишлар олиб борилмоқда? Бугунги ўқитувчиларимизга нималар етишмаяпти деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, таълим сифати кўп жиҳатдан ўқитувчи малакаси, билим ҳамда таҳрибасига боғлиқ. Юртбошимизнинг Оксаройда Махсус комиссия мажлисида айтган “Ўқитувчи бола тимсолида шахсни кўриши керак. Шахсда Оллоҳ таоло берган иқтидорни аниқлаши, рўйбга чиқариши керак”, деган фикрларини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Ўқувчида ШАХСни тарбиялашда, аввало, ўқитувчи ШАХСнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис дастур лойиҳасига кўра умумий ўрта таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог-кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизimini яратиш, ўқитувчи меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бўйича ҳам алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Осий тараққиёт банки билан ҳамкорликда жойлардаги педагогларни масофадан ўқитиш тизimini йўлга қўйиш бўйича лойиҳага кўра 2005-2009 йилларда республикадаги 413 мингдан ошқ педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалаштирилган.

Ўқитувчиларнинг ўқишини янги тизим орқали ташкил этиш мақсадида Қорқаппоғистон Рес-

публикаси ва барча вилоятлар, шаҳар-туманларда А.Авлоний номидаги Марказий малака ошириш институти ҳамда унинг вилоятлардаги филиалларининг ҳудудий мувофиқлаштирувчи марказлари ташкил этилмоқда. Бундан таш-

қарилиб берилмаган. Моддий томонини оладиган бўлсак, ўқитувчилар иш ҳақининг оширилиши, иш ҳақларига кўшимча устамаларнинг белгиланиши, бу ҳаммаси ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш учун қилинаётган ишлар. Энди шунга яраша жавоб ҳам бўлиши керак-да. Ўқитувчиларнинг асосий иши баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ўқитиш. Зиммамиздаги мана шу масъулиятни биз — ўқитувчилар ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Иккинчи бир камчилик — барча ўқитувчиларимиз ҳам болаларнинг мактабдан, синфдан ташқари таълимига, масалан, тўгараклар, фойдали тадбирларга жалб қилишга етарлича эътибор бераётганлар деб айта олмаиман. Айрим ўқитувчиларимиз бор — улар фидойилар, эрталаб ишга келгандан ўз вазифасини сидқидилдан бажаради ва дарсдан сўнг мактабда қолиб, болалар билан уларнинг билимини ошириш устида, касб танлашга йўналтириш бўйича иш олиб бораёпти. Лекин ҳамма бирдай шу ишни бажармаяпти. Биринчи вазифамиз — таълим сифатини ошириш, ўқувчиларга бериладиган сабоқлар янги педагогик технологиялар асосида берилишини таъминлаш. Собиқ иттифоқ замонида ишлатилган педагогик технологиялар эскириб бўлди. Энди математика бўладими, она тили ёки физика бўладими, қисқаси, ҳар бир фан бўйича янги педагогик технологияларни яратиб, улар орқали болаларга билим бериш лозим. Буни ҳар бир ўқитувчи билиши шарт. Бунинг учун ўқитувчи доимий равишда изланиши, замон талабларидан орқанда қолиб кетмаслиги керак. Янги ўқув йилини ўқитувчиларимиз жуда кўтаринки кайфиятда бошлашганининг гувоҳимиз. Улар ойлик маошлари ошганидан, кўшимча устамалар берилишидан хурсанд. Аммо айрим ўқитувчиларимизда жўшқинлик, ўз ишларига фидойилик кўринмаяпти. Бу қабул қилинган умуммиллий дастурнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етмасликдан деб биламиз. Шу боис келгусидаги бир-бир ярим ой муддатда ушбу ислохотлар моҳиятини ўқитувчиларга яна бир бор тарғибот қилишимиз, бошқача айтганда, уларни уйғотишимиз керак. Мен янги раҳбар сифатида мана шу ишни бугунги кундаги асосий вазифам деб биламан.

— Муаллимларга байрам тилакларингиз.

— Ўқитувчилар ва мураббийлар куну умумхалқ байрами сифатида ҳеч қайси давлатда нишонланмади. Ёшлар тарбияси, таълими ҳамда ушбу улғувор вазифани бажарувчи ўқитувчи ва мураббийларга халқимизнинг азалий муносабати, эътирофи ҳамда ҳурмат эътибори сифатида намоён бўлган ушбу байрам билан ўқитувчию мураббийларни, тарбиячилар ва таълим-тарбия ишга камарбаста бўлган барча юртдошларимизни самимий муборакбод этаман. Халқнинг, давлатнинг юксак ишончига муносиб бўлиш хисси уларни тарқ этмасин.

ОРЗУИМ УШАЛМОҚДА

Спорт — жону дилим. Ёшлигимдан бадантарбия, югуриш билан мунтазам шуғулланаман. Айниқса кураш мени ўзига сеҳрлаб олган. Ўзбек курашининг довруғи дунё кезмоқда. Юртимизда курашнинг ривожланишида мамлакатимиз Президентининг шахсий ташаббуси ва эътибори катта. Шу боис, кураш билан шуғулланаётган ёшлар сафи кун сайин ўсмоқда.

Катта бўлсам, албатта, курашчи бўламан, деб орзу қилардим. Бу йил ана шу орзу сари дастлабки қадамимни қўйдим. Арнасой туманида 9-синф-

Kasbga yo'naltirish

ни тугатиб, Жиззах Олимпия захиралари коллежининг кураш мутахассислигига ҳужжат топширдим. Ҳозир ана шу коллеж ўқувчиси бўлганлигимдан бахтиёрман. Ниятим кураш сирларини ўрганиб, келгусида тажрибали мураббийлар сафидан ўрин олишдир. Ана шунда ўз кишлоғимга қайтиб, йигит-қизларга кураш сирларини ўргатаман. Болалар спортини ривожлантиришга озми-кўпми ҳисса қўшолсам, орзумимга эришган бўламан. Бунинг учун яхши ўқиш, спорт сирларини кунт билан ўрганиш зарур.

Анвар УМИРОВ,
Жиззах Олимпия захиралари
коллежи ўқувчиси

«TEMPUS» АХБОРОТ КУНИДА

Тошкент кимё-технология институтида TEMPUS ахборот куни ўтказилди. Унда Тошкент, Гулистон, Жиззах ва Навоий шаҳарларидаги олий таълим муассасаларидан мутахассислар иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Ш. Аюпов, Европа иттифоқи координатори Петер Реддишлар анжуманда сўзга чиқиб, бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида маърузалар қилди. Конференция чоғида янги лойиҳаларнинг тақдироти ҳам ўтказилди. Шунингдек, кўшимча лойиҳалар мавзулари тавсия этилиб, расмийлаштирилди. Иштирокчилар танловда қатнашиш шартлари ва имкониятлари билан танишдилар. Маърузалардан сўнг ўтказилган баҳс-мунозара кўплаб саволларга ойдинлик киритди.

— Бизнинг лойиҳамиз масофадан ўқитиш технологиясига

Навниҳол дарахтга қанчалик парвариш ва эътибор зарур бўлса, ўсиб келаётган ёш авлодга ҳам шунчалик эътибор ҳамда тарбия зарур. Айниқса, уларни жисмонан баркамол, соғлом қилиб вояга етказиш— ота-оналар ва устоз-мураббийлар олдидаги муҳим вазифа. Шу мақсадда ўтган йили умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ош тузида йод миқдорини аниқлаш учун ўтказилган акция натижасида болажонлар ўз кўзлари билан кўрганлари асосида ота-онасининг, оила аъзоларининг саломатликлари эътибор берилшлари лозимлигини англаб етган эдилар.

Бу йил ҳам

ТУЗИНГИЗДА ЙОД БОРМИ?

республикамиздаги барча умумий ўрта таълим мактабларида ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилоти билан ҳамкорликда «Йод танқислигидан келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш» мавзусида йодланган ош тузидан фойдаланишнинг аҳамиятини ўргатиш ҳафталиги ўтказилди.

Куни кеча Миробод туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабида ҳам мазкур ҳафталик муносиб кутиб олинди. Эрталабдан мактабнинг ҳамма жойи саранжом-саришта тус олди, ҳовлига сувлар сепилди. Барча ўқувчилар ўзлари тайёрлаган деворий газеталарини мак-

Риштон туманидаги Воҳим қишлоғилик ўқувчилар янги ўқув йилини янги мактаб биносида бошладилар. Қишлоқнинг мингдан ортиқ болакайларига бу янги мактабни ўз ота-оналари, ака, опа-сингиллари тухфа қилдилар. Гап шундаки, қишлоқда мавжуд бўлган, қурилганига етмиш йилдан ошган эски 36-мактаб биноси бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганди. Дарслар базур ўтилар, икки сменада ҳам ўқувчилар тўлиқ қамраб олинмасди. Дарсдан ва мактабдан ташқари машгулотлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бундай ҳол педагоглар ва ўқувчилар учун ҳам ҳафсаласизликни келтириб чиқараётганди.

ВОҲИМДА ЯНГИ МАКТАБ ИШ БОШЛАДИ

у халқ бирлигининг ёрқин ифодаси бўлди

Обдон етилган заруратни англаган қишлоқ катталари, оқсоқоллари бир вақтлар қурилган, лекин ташландиқ ҳолатига келиб қолган ўқув ишлаб чиқариш комбинати биносини мактабга айлантириш фикрини ўртага ташладилар. Таклиф кўпчиликлари томонидан маъқулланди. Сўнг бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг фармойиши чиқди.

Шундай қилиб, ташландиқ бинони янги мактабга айлантириш ишлари бошланиб кетди. Раҳбарлик ва муҳандислик ишларини Раҳимжон Фозилов ўз зиммасига олди. Кўндан кўн қочиб қутулмас, деганларидек баҳор ва ёзнинг илиқ ва жазирама кунларида ҳам ҳашар ишлари жадаллик билан давом этди. Ҳар бир хонадон

кўшимча тарзда вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан бино томини ёпиш учун 1200 дона шифер берилди. Ўз навбатида янги мактаб синф хоналари энг замонавий ўқув жиҳозлари, анжомлар ва техника воситалари билан таъминланди. Спорт залларининг жиҳозига алоҳида эътибор берилди.

— Шунга амин бўлдикки, — дейди мактаб директори Фуломжон Фатҳиддинов, — шоир Чўлпоннинг «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир» деган сўзлари ҳақиқат экан. Янги мактабимиз халқ бирлигининг, аҳиллигининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди. Ҳашарда иштирок этган, яқиндан ёрдам берган барча олийҳиммат ҳамқишлоқларимиздан, айниқса, 54-автокорхона, Уч-

кўприк туманидаги 103-кўчма механизациялашган колонна, туман йўл қурилиши бўлими мутахассис ва ишчиларидан, вилоят, туман раҳбарлари, вилоят халқ таълими бошқармасидан чексиз миннатдор-миз.

Мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилари жамоаси таълим-тарбияда эришган ютуқлари билан бу ғамхўрликни оқлайдилар, албатта. Энг асосийси, болаларимиз учун замон талаби даражасида таълим олишларига қулай шароит яратилди.

Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги

байрамидан бир ҳафта ўтгач, Воҳимда катта байрам бўлиб ўтди. Байрамда барча ҳашарчилар, мутахассис-ишчилар, раҳбарлар иштирок этдилар. Байрамнинг бош қаҳрамонлари 520 нафар болалар бўлди. Уларнинг шодликлари чексиз эди.

Халқ кудратини қарангки, кечагина ташландиқ, хароба ҳолдаги бино бугун энг замонавий, барча қулайликларга эга бўлган 750 ўринли мактабга айланди. Воҳимликлар шу тариқа ўз келажакларини ўзлари истагандек бунёд этишлари учун зўр асос яратдилар.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

Anjuman

йўналтирилган. Ҳозирда Дания, Голландия ва Германиянинг бир қанча университетлари билан ҳамкорликда иш олиб бораёпмиз. Мунтазам тадқиқотлар, албатта, ўз самарасини кўрсатади, — дейди Навоий давлат кончиликлари институти доценти Тўлқин Нурмуродов.

TEMPUS дастурининг яқна тартибдаги сафарбарлик грантлари ҳам мавжуд бўлиб, олий таълим тизимининг академик ва маъмурий ходимларига халқаро алмашув муносабатларига қатнашиш имкониятини беради. Бу сафарлар дастурининг кейинги танловлари доирасида TEMPUSнинг янги лойиҳасини европалик ҳамкорлар билан муҳокама этиш ва ишлаб чиқиш учун учрашувларни ташкил қилиш мақсадида амалга оширилади.

Азиз НОРКУЛОВ

Haftalik

табга кираверишдаги йўлакка илиб қўйишди. Йоднинг аҳамияти ҳамда аксинча, бу модда етишмаслигидан келиб чиқувчи нохушликларни акс эттирувчи ранг-баранг расмлар деворларни безади.

Кичкинтойлар таълим олаётган 1-«В» синфида йод моддасининг аҳамиятини ўргатувчи расм дарси ўтказилди. Жажжигина қўлчалари билан қарам ва балиқнинг расмини чиза-

ётган Маша Павлова, бу маҳсулотларда йод кўплигини айтди.

Тадбирда ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг раҳбари Брендон Виго хоним иштирок этиб, болажонларнинг йод мавжуд бўлган маҳсулотлар ҳақидаги тушунчаларини саволлар натижасида синаб кўрди. Республика таълим маркази «Экология ва саломатлик» бўлими мутахассисларининг услубий кўрсатмалари билан мактаб раҳбарияти болажонлар тайёрлаган расмлар ҳамда рефератлар, иншооларни кўздан кечириб, аввалига синфлараро, кейин эса мактаб миқёсидаги голибларни аниқлади.

Назокат ХОЛМЕТОВА

ЯНГИ ИСТИҚБОЛ САРИ

Кеча пойтахтимиздаги Европа уйида «Ўзбекистон Республикаси шошилиқ тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида телекоммуникация технологияларини тадбиқ қилиш» мавзусида илмий семинар бўлиб ўтди. Унда шахримиздаги вилоятлардан келган шифокор-мутахассислар билан бирга хорижлик мутахассислар ҳам иштирок этишди. Анжуманда ЕвропЭЙД лойиҳаси раҳбари В.Лебедев, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги даволаш профилактика бош бошқармаси бошлиғи Ш.Ҳошимов, ЕвропЭЙД лойиҳаси миллий эксперти, профессор Ф.Адилова, Халқаро эксперт Ален Леру Ўзбекистонда шошилиқ тиббий ёрдам илмий марказида телетиббиде ҳамда телемаслаҳат тизимини ташкил қилиш таклифи билан чиқдилар.

Шунингдек, бу илмий марказнинг Нукус ва Қарши филиалларини ишга тушириш ва улар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш ҳақида мулоҳазалар билдирдилар. Соғлиқни сақлаш тизимида компьютер ва ахборот технологияларини тадбиқ қилиш ва ривожлантиришнинг афзаллиги шундаки, унда бемор ўз уйида туриб даволовчи шифокори билан компьютер тармоғи орқали боғланиб, маслаҳат олиш, соғлиғи ҳақидаги маълумотларни маслаҳат-ташхис марказига юбориш имконига эга бўлади.

Тиббидега ахборот технологияларини жорий қилиш келажакда ўз самарасини беради. Ва бу соҳада янги истиқболлар очади.

МУХБИРИМИЗ

ХИТОЙ ХАЛҚ БАЙРАМИ УНИВЕРСИТЕТДА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде Хитой халқ республикасининг ташкил топганлигига 55 йил тўлиши муносабати билан конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда Хитойнинг Ўзбекистондаги элчиси иштирок этиб, Хитой ва Ўзбекистон ўртасида олиб борилаётган ҳар томонлама ҳамда самарали алоқалар ҳақида гапирди.

Конференция давомида Хитой миллий куй-қўшиқлари, рақслари билан бирга ўзбек миллий санъатидан ҳам намуналар ижро этилди. Талабалар хитой тилидаги саҳна кўри-нишлари ва хитой шеърятидан намуналар намойиш этиб, йиғилганларни хушнуд қилишди.

Шунингдек, ушбу тантананда Пекин давлат чет тиллари университети ўқитувчилари Юнь Вей ва Ши Гуа Сонлар ҳам қатнашиб, Хитой миллий қўшиқларидан куйлаб беришди.

Тадбирдан сўнг ҳар икки ўқитувчи билан қилган суҳбатимиздан шу нарса маълум бўлдики, улар юртимизда ўзбек тилини мукамал ўрганиб, кейинчалик Пекин давлат чет тиллар университетида талабаларга ўзбек тилидан сабоқ бериш ниятида эканлар.

Маҳбуба КАРИМОВА,
ЎзДЖТУ халқаро
журналистика
факультети талабаси

ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИ:

БИЛИМ ОЛИШГА РАФБАТ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ УЙФОТДИ

Этибор берганмисиз, ҳар гал янги ўқув йили бошланишида болажонларимиз қалби ўзгача қувонч ва шукҳуга тўлади. Айниқса, илк бора мактаб остонасини ҳатлаган жажжи ўғил-қизларимизнинг шодликларини айтмайсизми? Улар дунёда барча эзгулиги яхшиликларнинг бешиги бўлмиш ушбу муқаддас кошонага илк марта қадам қўяр экан, мана шу нутилмас онларнинг ўзидаёқ давлатимиз, ҳукуматимиз, шахсан Президентимизнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлишади. Ахир уларга шу кун дастлабки тўфа — Президент совгалари топширилади.

Ҳар галгидек, бу йил ҳам мактаб остонасига илк марта қадам қўйган халқимизнинг 590 мингдан зиёд ўғил-қизлари Президент совгаларини зўр қувонч-ла қабул қилиб олдilar. Биринчи синф ўқувчиларнинг диллари жонажон мамлакатда болалар учун шундай қулайлик яратилганидан, мактаб ана шундай имкониятлар бешиги эканлигидан ҳайрат, ҳурмат ва ишончга тўлди.

— Мана, бир неча йилдирки, мамлакатимиз 1-синф ўқувчиларига 12 номда ўқув қуроллари ва кам таъминланган оилаларнинг 1—9-синф ўқувчиларига қишки кийим-кечак, дарсликлар тарқатилмоқда, — дейди Халқ таълими вазирлиги ўқув таълим-таъминот Бош бошқармаси бошлиғи Исмаилов Султонов. — Яъни, ана шундай катта саховат ва эзгуликка Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли “Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2002 йил 25 январдаги 33-сонли “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-

қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асос бўлди.

Мазкур қарорлар, авваламбор, халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг моддий шароитларини яхшилаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, етим ҳамда кам таъминланган оилаларнинг болаларини моддий таъминлаш ва биринчи синф ўқувчиларини зарур ўқув қуроллари билан таъминлашда давлат ёрдамини кўрсатиш мақсадини кўзлайди. Бу йил республика умумий

ўрта таълим мактабларининг биринчи синфларига 590 минг ўқувчи қабул қилинди. Уларнинг барчасига Президент совгалари жойларда янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан ўтказилган тадбирларда маҳаллий ҳокимият, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари мутасаддилари, ота-оналар иштирокида тантанали равишда топширилди. Шу кун кичкинтойларга рангли қоғоз, дафтар, ручка, қора қалам, рангли қалам, бўёк, расм дафтари, пенал, пластилин, елим, ўчирғич каби ўқув анжомлари бежирим ва чиройли ўқувчилар сумкасида тақдим

бошланғич синфларнинг ўқувчилари билан бир қаторда юқори синфларнинг, яъни, 1—9-синфларнинг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилари ҳам bepul қишки кийим-бosh тўплами билан таъминлана бошланди. Бу йил улардан 709146 нафарига умумий қиймати 10151681710 сўмлик куртка, пойафзал, қалпоқ ва қўлқоплар bepul топширилмоқда.

Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларини кутубхона жамғармасидан дарсликлар тўплами билан ҳар йили bepul таъминлаш ҳам жорий этилган бўлиб, шу кунларда бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимиз ичида катта авлод вакиллари томонидан доимо кам таъминланган, қаровчиси йўқ ва етимларга нисбатан хайрихоҳлик билдирилиб, уларга қўлдан келган яхшиликни аямаслик, уларнинг ҳақиқа хийнат қилмаслик, дилларига озор бермаслик зарурлиги ҳам ёшларга ўқитиб келинганлигини унутмаслигимиз даркор.

Дарҳақиқат, мана шундай то-

ифадаги ўқувчиларнинг кўнглини кўтариб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туриш бугунги кунда ҳар икки одамдан бирининг қўлидан келадиган иш эмас. Аммо, бундай саховатпешаларнинг айна чоғда биз билан ёнма-ён яшаб, доимий равишда уларнинг юракларини қувончу шодликка тўлдириб, ҳар қанча ёрдамларини аямайдиган, болаларга ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан мадад бўлиб келаётган инсонларни кўриб, дилингиз ёришади. Бунга биз янги ўқув йили арафасида илм истаб, ўз порлоқ келажагига ишонч-ла мактабларга илк қадам қўйган жажжи ватандошларимизга Президентимиз совгалари топширилиш маросимларида бўлганимизда тўлиқ амин бўлдик.

Нурлан УСМОНОВ,
«Ma'rifat»нинг
махсус муҳбири



Жорий йилнинг 13 апрелида бошланган ушбу мактаб қурилишида “Бухорогазсаноат”нинг 9 та қурувчи идораси ҳамда Муборак газ ташкилоти, жами 13 та ташкилот икки сменада ишлашди. Қисқа вақт, яъни, беш ой ичида 5 та ўқув биноси — 750 уринли 32 та синфхона, ошхона (30x18 м. ҳажмда), спорт зали, кутубхона, фаоллар зали, жами 7 та бино қуриб битказилди. Бундан ташқари, қозонхона ва бошқа қўшимча бинолар ҳам ишга туширилди.

— “Газлитрансгазқазибчиқариш”

ГАЗЛИГА ФАЙЗ БАХШ ЭТГАН МАКТАБ

Янги ўқув йили арафасида Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Газли шаҳарчасида янги замонавий мактаб барпо этилди.

бошқармасига Азамат Йулдошев директор бўлиб келгандан кейин янги мактаб ва поликлиника қурилиши

жадал тарзда бошланиб кетди, Газли шаҳарчасининг 8 мингга яқин аҳолиси бу инсондан жуда миннатдор



булишмоқда, — дейди “Байналминал” маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Раҳматилла Оллоберганов. — 2006 йилгача шаҳарчада яна иккита 140 уринли болалар боғчаси, 200 уринли замонавий шифохона, 750 уринли яна битта мактаб қурилиши учун “Ўзнефтгазхолдинг” компанияси, ҳокимлик томонидан маблағ ажратилиши мулжалланган.

Мактаб директори Ойжон Қодирбоевнинг айтишича эса, янги мактабнинг ишга тушиши болажонлар, ота-оналар, айниқса, ўқитувчиларимизнинг бениҳоя қувончига сабаб бўлди.

Ушбу янги, таълим қозоқ тилида олиб бориладиган 34-умумий ўрта таълим мактабига шаҳардаги 32-, 33-мактаблар ҳам бирлаштирилди. Бундан ташқари, шаҳарда битта таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактаб ҳам фаолият курсатмоқда.

Янги мактаб ҳудудида 750 томишабин урнига эга волейбол, баскетбол, футбол майдонлари, теннис корти, гимнастика майдони, югуриш йулакчаси (300 метрга мўлжалланган) қурилиши жадал олиб борилмоқда. Бу эса Газли шаҳарчасидаги болаларнинг хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши учун ҳам имкон яратади.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
Суратларда: янги мактаб
ҳаётидан лавҳалар акс этган.



МУЪЖИЗА




Мақтаб таълимини ривожлантириш бўйича умум-миллий дастур қабул қилинган, кўз қувонадиган мактаб бинолари қад кўтарди, таъмирталаблари эса ўзгача кўриниш олди. Уларнинг барчаси таълим мазмунининг юқори даражада бўлишига хизмат қилади. Мактабгача таълим йўналишида ҳам бундай ҳаракатларга қадам қўйилди. Хусусан, Собир Раҳимов тумани аҳолиси зич жойлашганлигини ҳисобга олиб, таълимдаги янгиликлар борасида тажриба майдончасига айланттирилди. Ва бошланғич натижалар сифатида 20-, 26-, 88-МТМ бинолари тубдан янги қурилишига киришилди. Бунгача бўлган тарих куйидагича. Шу йилнинг баҳорида Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов бошчилигидаги комиссия ушбу боғчаларга келиб кўрган ва ночор аҳволда эканлигини инобатга олиниб, янги бинолар қурилиши бўйича буйруқ чиқарилган. Шундан сўнг ишлар бошлаб юборилди. Қисқа вақт мобайнида, яъни уч ярим ойда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, С.Раҳимов туман ХТБ ва бошқа ташкилотлар кўмагида катта маблағ эвазига 20 ва 26-МТМлар қуриб битказилди. Янги ўқув йилидан бошлаб болалар янги боғчаларга чиқа бошлади. Ҳозирда 88-МТМда эса якуний қурилиш ишлари кетаяпти. Ушбу фойдаланишга топширилган боғчалар-

га бориб танишганимизда, энг аввало, ота-оналар хурсандлигини кўрдик. Энг сўнги қурилиш меъёрлари асосида бунёд бўлган 26-МТМ 80 ўринга мўлжалланган. Муассаса жамоаси бу ерда битта кичик ёшли ва 3 та ўрта ва тайёрлов гуруҳидаги болаларни тарбиялашмоқда. Боғча мудираси Гулчехра Хусанова шундай дейди:

— Олдинги боғчамиз бир асрлик ҳовлида жойлашган эди. 3 та гуруҳни жуда ночор аҳволда тарбиялар-

РЎЙ



дик. Янги қурилиш кўз очиб юмгунча ярим йилга ҳам қолмасдан тугалланди. Нафақат бино, балки барча мебеллар, спорт анжомлари, ўйинчоқлар, ошхона жиҳозлари ва ҳатто озиқ-овқат сақлаш омборларигача замонавий талаблар асосида боғчада ўз ўрнини топган.

Ҳақиқатан ҳам, давлат талаблари асосида болаларга таълим-тарбия бериш учун барча шароитлар яратилган. Буни 20-«Лола» МТМ раҳбари Хумора Асқарова ҳам таъкидлади:

— Бундан 6 ой муқаддам ҳам боғчанинг худди эртақдагидек энгашиб ўтиладиган пастқам эшигидан кириб-чиққанимизда, бир муъжиза рўй берсаю томи баланд, эшиклари ойнаванд, хоналари ёп-ёруғ, шинам бинога эга бўлсак, деб болаларча орзу қилар-

Yangi bog'chalar

дик. Болаларни ҳам китоб-журналлардаги суратлардагидек боғчалари бўлишига ишонтирар эдиг-у, хаёлимизда унинг рўёби жуда олис туюларди. Йўқ, мана муъжиза юз берди.

Ҳозирда «Лола»да ҳам 80 нафар болажонлар тарбияланмоқда. Тарбиячилар ёзги ва қишки спорт майдончаларида, машғулот залларида замонавий ўқув куроллари воситасида болалар билан ишлаётганини мамнунлик билан таъкидлади. Боғчада бирорта ҳам ташқарида бажарадиган юмуш қолмаган. Ошхона ва кир ювиш хоналаригача бино ичида жойлашган. Тарбиячилар суҳбатида «Пахтаой»нинг тарбиячиси Дилдора Мусаева ва «Лола»нинг тарбиячиси Зумрад Муҳаммадиеванинг гаплари қулоғимга чалинди.

— Бизга шунчалик шароит яратилибдими, энди шунга яраша таълим-тарбия жараёнида ҳам янгиликлар яратишимиз керак.

— Ҳақиқатан ҳам энди ҳеч қандай қулайликлар йўқ

БЕРДИ



деб рўқач қилишга асос йўқ. Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, энг зўр муҳитини яратиш бўйича интилишимиз керак.

— Тўғри айтасиз...

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ — ИСТИҚБОЛ БЕЛГИСИ

Муҳташам «Пойтахт» меҳмонхонасида «Касб-хунар таълими соҳасида Ўзбекистон ва Германия ўртасида икки томонлама ҳамкорлик» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Уни ЎМКХТ Маркази раҳбари Ж.Хусанов кириш сўзи билан очди. Шунингдек, мазкур семинарда Германия Федератив Республикаси иқтисодий ҳамкорлик вазирлигининг Ўрта Осиё ва Кавказorti минтақаси бошлиғи доктор Армбрустер, мазкур давлатнинг Ўзбекистондаги элчисининг ўринбосари К.Штёкл ва мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг мутасадди вакиллари қатнашди.

Ушбу семинарни ўтказишдан мақсад, Ўзбекистон ва Германия ўртасида касб-хунар соҳасини ривожлантириш ҳамда ўзаро ҳамкорлик истииқболларини белгилаб олишдан иборат бўлди. Унда таъкидланганича, жорий йилнинг июнь-июль ойларида Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎМКХТ Марказининг бир гуруҳ ходимлари Германияда сафарда бўлиб, ушбу давлатнинг бир қатор вакиллари раҳбарлари, КфВ банки, Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти (ГТЦ), Германия халқаро ма-

лака ошириш ва ривожлантириш ташкилоти (Инвент), Немис ривожлантириш хизмати (ДЕД), СИМ каби ташкилотлар вакиллари билан учрашиб, музокаралар олиб борган. Деярли барча учрашувларда иккала томондаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, касб-хунар таълими тизимида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги эътироф этилган. Мазкур жараёнлардан келиб чиқиб, ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

1999 йилдан буён Германия техникавий ташкилоти «Ўзбекистонда бошланғич касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмак» грант лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳа ҳажми 5,25 млн. немис маркасини ташкил этиб, ундан 850 минг маркаси 8 та пилот коллежаларини замонавий техник воситалар билан жиҳозлашга йўналтирилган. Лойиҳа миқёсидаги касб-хунар коллежалари ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, танланган йўналишлар бўйича ўқув дастурлар, ўқув қўлланмалар яратиш борасидаги ишлар

яқунига етказилмоқда. Лойиҳа доирасида ҳамкорлар билан мулоқот, уни мустақамлаш йўллари излаш ва доимий тарзда Ўзбекистонда касб-хунар таълимини яхшилаш бўйича таҳлиллар олиб борилди. Шунингдек, таълим, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ҳамкорлар билан коммуникация механизми яратилди. Германия ҳукуматининг КфВ банки ва Германия техникавий ҳамкорлик ташкилотининг узоқ муддатли кредити амалга

Xalqaro hamkorlik

оширилиши бошланди. Бу лойиҳада 11 та ихтисослашган ахборот ва телекоммуникация технологиялар касб-хунар коллежаларини жиҳозлаш, раҳбар ва педагог ходимларнинг малакасини ошириш, ўқув-услубий қўлланмалар яратиш, шунингдек, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтини учун мультипликаторлар тайёрлаш кўзда тутилган. Кредитнинг миқдори 7,6 млн.евро ва 1,022 млн.евро техник ҳамкорликни ташкил этади.

2003 йилдан бошлаб халқ-

аро ривожланиш бўйича немис фонди (DSE)нинг маблағлари ҳисобига грант лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида 75 нафар ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ходимларининг Германияда олти ойлик малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича дастлаб Ўзбекистонда олмон тилини ўргатишдир. Германияда малака оширишдан ўтган педагог ходимлар ўтказилган 68 та семинардан ташқари малака ошириш жараёнида олинган ўқув адабиётлари ва материалларни Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтига топширмоқда. Орттирилган тажрибага кўра, ўқув-услубий қўлланмалар чоп этишга киришилди ва тайёрланди.

Германия билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

1. Кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш.
2. Ўқитувчилар малакасини ошириш.
3. Кадрлар тайёрлаш ва

қайта тайёрлаш Марказларини ташкил этиш.

4. Қурилиш ва коммунал хўжалик соҳаси учун имтиёзли кредит жалб этиш. Бу таклифлар улар томонидан тўла-тўқис маъқулланди ва чуқур таҳлил қилиб борилди. Таъкидландики, 2005 йилнинг баҳорида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик бўйича келишув баённомаси имзоланиши белгиланди.

Анжуманда яна Германия томонидан шу нарса маълум қилиндики, кейинги йиллардан бошлаб мамлакатимизнинг 14 та касб-хунар коллежаларида таълим олаётган ўқувчиларга бевараз ёрдам тариқасида олмон тилини ўргатиш бўйича мутахассислар жалб қилиш таклифи ҳам билдирилди. Таълим соҳасидаги бундай ҳамкорлик натижасида бошқа тизимларда ҳам икки мамлакат ўртасидаги меҳр-оқибат, дўстлик ва иноқлик ришталарининг тарққий этишига умид билдирилди.

Семинар якунида Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Х.Кидерлен анжумани иштирокчилари билан учрашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Гофур ЖАБИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири



1961 йилнинг баҳори. Она Замин ўзининг яшил либосини кийган. Уригу шафтолилар, гилосу беҳилар бирин-кетин гуллаётган палла. Табиатнинг бу мўъжизавий ва сирли неъматига қараган билан кўз тўймайди. Анора боғ ора-лаб борар экан, ногоҳ оёғи остига саррин елда учиб тушган ўрик гулини қўлига олди. Ахир, янчиб ўтмоқ увол-а! Гул! Табиат мўъжизаси бу. Жозибадорлигини қаранг! Хайратга тушасиз. Бу жимжимадор хил-қат бандидан узилиб тушмаса-ку, жаннатий мева бўлиб тўлишарди-я! Афсус... Инсон умри ҳам гулдек! Хаёллар уни олисларга етаклади. Гулдек очилади, яшаш на-сibasи бўлса, мевадек пишиб етилади... Такдир юлдузи қисқа бўлса-чи? Бандидан учиб тушган гулдек... Йўқ, йўқ! Бу дунёга яшамок илнжида келган жамики жонзотга саодатмандлик ато этилсин!

Инсон гулдек очилган пайтида юрт учун, дунёга келтирган, оқ ювиб оқ тараган, тунлар бешик кучиб алла айтган она учун, ота учун, Ватану ватандошлар учун хизмат қилиши жоиз эмасми?!

Олий ўқув юртининг иккинчи курсида тахсил олаётган, амалиётга — тажриба ўрганишга чиққан тенгурулари қатори Анора ҳам мактабга — ўқувчилар хузурига шошилиб келар экан, ўрик гули учиб, йўлига поёндоз бўлгани бахонасида ана шундай ўйларга банди бўлди. Қатъиятли қиз гарчи Хоразм давлат педагогика институтининг физика-математика факультетида ўқиётган бўлишига қарамай назму наср бўстонига қалби пайваста эди. Қўлидан мумтоз адабиёт вакиллари сараланмалари тушмасди. Бир марта ўқиган шеърини ёддан айтиб бера оларди.

Хазрат Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги «...Кишининг дардли бўлишига сабаб ишқдир, ишқ кишини иккала дунёдан ҳам ажратиб қўяди. Парвонани ишқ маст этмаса, ўзини доим ўтга урармиди?! У куяр вақтда жонидан кечган экан, икки жаҳон билан унинг нима иши бор?..»

Ишқ кимгаки азалдан насиб бўлса, унга ҳеч қандай зарар тегамайди, у озода ва қон бўлади. Парвонанинг қанотидаги холлар — ишқ доғининг нишонлари. Яратилишданоқ унинг қанотида доғ бор, ишқ уни ҳеч бир тарк этган эмас...», деган шох сатрлари Аноранинг бот-бот эсига тушади.

Демак, инсон шундай мақомга етишиши керакки, кўнгил ихтиёр этган вазифага ўзи фидо этиб ишламоғи шарт! Анора ўқиб ўқишлари натижасида англагани ва қалбда туғилган ҳикматга суяниб яшамокни виждон тарозусига қўйди. Худди шу лаҳзада Пифагорнинг сўзи юрагидан жой олди. «Ўзингни аяма! Ер юзидаги энг гўзал донишмандлик бу!» Бугунданок ушбу қутлуғ сўзларни ҳаётимнинг мазмунига, қалбим шиорига айлантираман.

Хаёллар оғушида мактабга кириб келган «амалиётчи қиз»нинг қайноқ қонларини мусаффо туйғулар чулғаб олганди. Бугун унинг мустақил дарси! Директор Саид

Оллаберганов қизчанинг иқтидорини, дарс ўтиш маҳоратини кузатмоқчи бўлаяпти.

Кўнгирак чалиниб, ўқувчилар жой-жойини эгаллашди. Анора ўзига тикилиб турган ўттизтача қоракўзга меҳр билан боқиб, саломлашгач, бир зум... саросималангандек сезди ўзини! «Энди нима қилишим керак? Довдирамасдан ўзингни қўлга ол, ўқувчи-

йил ўтгач эса, таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига тайинланди. Ўқитувчилик касбига бўлган меҳр уни янги погоналар сари етакларди. Туманда опанинг тажрибаси кенг оммалаша бошлади.

Гурлан тумани марказидаги билим юрти директорлиги, халқ таълими бўлими мудир лавозимларида меҳнат қилган опанинг тафаккур доираси кенгайиб борди. У мудирликдан ўқитувчиликни афзал билиб, туман ҳокимлигига икки йил қатнади...

Опа 1986 йилнинг сентябридан то бугунгача Гурлан тумани марказида жойлашган Ибн Сино номидаги 5-мактабга етакчилик қилапти. Қурилгандан буён таъмирсиз фаолият кўрсатаётган ўқув масканидаги жиҳозлар кеча келтирилгандек яп-янги!

— Ҳар йили таъмирлаш учун сарфланадиган маблағни қўшни мактаблар эҳтиёжи учун ажратишларини айтардим, — дейди устоз. — Ҳар бир жиҳозни ардоқлаб тутсангиз, у оҳорини йўқотмайди. Мактабга илк остона ҳатлаб келган жажжи ўғил-қизларининг қалбига ҳам шу ҳисни сиңдираман: мана бу партанинг, стол-стулнинг ҳам жони бор. Тепсангиз, синдирангиз, унинг ҳам

бўйли, бугдоймағиз, ориқдан келган нозик жуссали аёл. Қарашлари дадил, қадамлари шаҳдам, шиддатли. Нигоҳлари донишмандона. Юзлари қирмизи. Қошлари бир текис, кўзлари қоп-қора. Чехрасидан меҳр ёғдулари ёғилиб туради. Пешонасида йиллар ўз аксини қолдирган чизиқлар...

У гарчи директор, гарчи физика-математика ўқитувчиси бўлса ҳамки, биринчи марта ўқувчилар хузурида маънавий инсоннинг энг олий саодати ва кўрки, гўзаллиги эканлигини, илмга хулос қўйган киши ҳаётда иззат-ҳурматда яшаши ҳақида сўзлайди.

— Мактабимизнинг шиорини биласизлар-а? — дея опа ўқувчиларнинг иқтидорини синовдан ўтказди.

— Албатта! — деб бир овоздан жавоб беришади ўқувчилар.

— Қани, Гулшода, айт-чи? — дея энг орқада ўтирган қизнинг исмини беҳато айтиди муаллима. (Устознинг бу фазилатига ўқитувчилар тан беришади. Ахир, мактабдаги 1051 нафар ўқувчидан ҳар бирининг исмини адашмай топадиган директорнинг хотирасига қойил қолмай бўладими!)

Гулшода зукколик билан донадона жавоб қайтаради: — Мил-

ҚАҲРАМОН МУАЛЛИМАНИНГ ЭЪТИҚОДИ

ларинг олдида юзинг қизариб қолмасин». Ички бир овоз уни сергалантирди.

— Болалар, сизлар билан бугун Ватан ҳақида, Ватан туйғуси тўғрисида суҳбатлашамиз!

Дадил овоздан синф бир қалқиб тушгандек бўлди, назарида.

— Азиз ўқувчилар! Сизлар кимсизлар? Кимнинг авлодсиз? Яхши билинлар-ки, биз буюк Ўзбекистон фарзандларимиз. Ўзига Бек, ўзига ишонган марду майдон халқнинг ўғил-қизларимиз! Албатта, сизу бизнинг томирларимизда буюк аждодларимиз — ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби улуг инсонларнинг қони оқмоқда! Биз ана шу улугларга муносиб ўғил-қизлар бўлмоғимиз керак...

... Дарс тугагач, директор ўн тўққиз яшар қизнинг пешонасидан ўпди. Кўзлари ёшга тўлди. — Раҳмат сизга, қизим, — дея олди аранг...

Анора олий ўқув юртида энг намунали, зеҳнли талаба сифатида имтиёзли стипендияга мушарраф бўлди. Бу хушхабар ўзи ўқиган мактаб жамоасига етиб келди.

— Ўша пайтда биз 8-синфда ўқиётган эдик, — дейди тиббиёт фанлари номзоди, Гурлан туман касалхонаси бosh врач Дилором Абдуллаева. — «Мен ҳам Анора опамга ўхшайман», деган фикр билан Анора опа ўтирган тарта талаш бўлиб кетганди. Мактаб даҳлизидаги деворий газетага опанинг сочини икки қилиб ўриб қўйган сурати «Бизнинг фахримиз» дея илиб қўйилган кун мактабимиз, синфимиз ўқувчилари тўпланишиб «барчамиз Анора Маҳмудовадек бўлишга» аҳд қилганди. Ана шу интилишлар ҳосиласими бутун синфимиз билан институтга кирганмиз.

1964 йилда ўзи ўқиган Гурлан туманидаги 1-мактабда физика-математика ўқитувчиси бўлиб педагогик фаолиятини бошлаган А.Маҳмудова борлигини касбига фидо қилишга интилди. 1966 йилда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, орадан олти

жони оғрийди. Ҳар бир жиҳозни эҳтиёт қилишга ўрганинг, дея.

Ўқувчилар бу туйғуни юракдан ҳис қилишади. 18 йил мобайнида янги ҳолда сақланган ўқув жиҳозлари мактабни тугатиб кетган собиқ ўқувчиларнинг фарзандлари учун ҳам асқотаяпти бугун. Ота-оналари ўтирган парталарда салоҳиятли ўғил-қизлар илм олишаётир ва улар ҳам авлодлар аънанасини давом эттириб, ҳар бир жиҳозни кўз қорачиғидек асраша-япти.

— Қизим Анорага ўқитувчиликка илҳос отасидан ўтган, — дея хотирлайди қаҳрамоннинг онаси Омонжон Раҳимова. — Жажжи қизалоқлигида отасининг китобларини қўлидан қўймасди. Отаси бошланғич синфда дарс берар, қизчанинг китобга ихлосини кўриб, хайратда қоларди раҳматли... Иккинчи жаҳон урушидан биринчи гуруҳ ноғирони бўлиб қайтдилар. Мен умрим бўйи пахта ни ардоқлаб яшадим. Ўзим деҳқон бўлсам ҳам илмли кишиларни хурмат қиламан. Қизимга «ота касбини улуглаган кам бўлмайди», дердим. Худога шукр, мана унинг қувончидан менинг кўзларимда ҳам севинч ёшлари, — дея 84 яшар онахон мамнун жилмаяди.

Анора опа фарзандларига ҳам шу эътиқодни сиңдиришга интилди ва бугун уларнинг камолини кўрган она ўзини бахтиёр ҳис этади. Ушбу зиёли хонадоннинг зиёли отахони Азамат Ҳабибуллаев ҳам эл-юрт учун кўп йиллар самарали меҳнат қилган транспорт ходими. Турмуш қурганлиги ва иш фаолиятининг қирқ йиллиги тўлган кун Президентимиз томонидан улуг унвонга сазовор бўлган 63 яшар устознинг сўзлари қулоқларимга муҳрланади: илм мисоли чашмадек, қанча кўп изласангиз, ўқисангиз, оқиб келаверади. Илмли киши ҳеч қачон хор бўлмайди!

Бу опанинг эътиқоди! Умрини ўқувчилар, китобхона, дарсхона, синфхона... бағрида ўтказётган муаллиманинг қалбиди тоғдек шижоатни ато этган Оллоҳга ҳамду сано айтаман. Ўрта

лий истиқлол гоёси ва мафқурасини онгимизга сиңдириб, қалбимизга пайванд қиламиз!..

...1996 йил 16 март. Хоразм вилоят халқ депутатларининг III сессияси. Вилоят кенгаши депутати А.Маҳмудова Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг сўзларини юрагига муҳрлаб олаётир!

— Мен аниқ ишонаманки, Худо хоҳласа, эртага бир кун гурланлик, хивалик, шовотлик ўқувчи ёшлар дунёнинг мана-ман деган олимлари билан баҳс бойлашадиган бўлишадим.

Президентнинг сўзларидан залда гулдурос қарсақлар янгради. Анора опани хаёл парвозга етаклади. «Президентимиз ёниб гапираяптилар, ишонч билан айтаяптилар. Юртбошининг ишончи катта! Гурланлик ёшлар деяптилар-а! Бу сўзларга муносиб бўлмоқ керак! Бунинг учун эса чет тилини мукамал ўрганиш лозим. Опа кўнглига келган ёруғ бир ниётдан кулимсираб қўйди. Бу — орадан олти ой ўтгач, натижасини кўрсатди.

— Тинчлик Корпуси кўнгиллари ҳақида эшитгандим, — дея ўша пайтдаги ҳолатни тасвирлайди опа, — Тошкентга бориб, АҚШнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасини излаб топдим. Тинчлик Корпуси вакиллари ҳақида суриштирдим. Қандай қилиб кўнгилли ўқитувчиларни Гурланга олиб бориб бўлади? Опа зарур шартномани тузиб, Хоразмга қайтди...

Тажрибали устоз етакчилик қилаётган 5-мактаб «Йил мактаби» ва экология тарбия йўналиши бўйича қатор танловларда ҳамisha голиб бўлиб келди.

Бундан ўн йил муқаддам опа мактабда кичкинагина тикувчилик тўғараги ташкил этди. Ундан тушган даромад намунали ўқувчиларни рағбатлантиришга, тажрибаси оммалашган муаллимларга тақдим этиларди. Бу соҳани ривожлантириш зарурлигини сезган директор банкда махсус ҳисоб рақами очиб, тўғарак фаолиятини кичик қорхонага айлантириш фикрини олға сурди. Китоб-дафтар

Ocherk

савдосини йўлга қўйишни кўнглига туккан устознинг дилидаги ни-ятлари ижобат бўлди. 2000 йилда мустақил юридик мақомни олган жамоа фаолияти ҳукумат томонидан ҳам маъқулландики, тадбиркорлик ишларига кенг йўл очилди. Олинган фойда ҳисобига билим масканига замонавий компьютерлар, видеокамера, зарур ўқув қуроллари сотиб олинди.

Тажрибали ва тадбиркор директорнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. Энг катта ишонч, Улуғ унвон бутун халқ таълими соҳаси, бутун хоразмликларнинг кўнглини осмон қадар юксалтирди. Бу мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан опага берилган юксак мукофот — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонидир.

Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси орқали янграган қутлуғ хабардан бутун Хоразм, бутун Гурлан аҳли бир қалқиб тушди. Гурланлик оддий меҳнаткаш, ўқитувчи аёл Ўзбекистон Қаҳрамони!


Шу кунни қуёш ҳар кунгидан-да ёрқинроқ сочди нурларини. Фараҳбахш бу нурлар эса элнинг фидойи ўғил-қизларининг кўнгиллари янада нурашон айлади. Фидойи меҳнатлар муносиб тўғасини олди. Бир-бирларини Қаҳрамон қаҳрамонлик билан қутлаётган бутун воҳа, бутун Гурлан аҳли, зиёлиларининг кўнгиллари тоғдек юксалди. Меҳнат қадрини, унвон эса эгасини топди!

Ўзбекистон Қаҳрамонини тадбиркор келувчиларнинг қадами узилмасди. Ушбу хушхабардан опанинг Тошкентда яшаб, ишлаётган фарзандлари Рашид Ҳабибуллаев — кимё-технология институти доценти, кимё фанлари номзоди, Шавкат Ҳабибуллаев — архитектура қурилиш институти ўқитувчиси, олим, Шаҳло — Тошкент алоқа институти қошидаги лицей муаллимаси, Муҳаббат, опа билан ёнма-ён меҳнат қиладиган ўғил-қизлар етиб келишди.

Опанинг қучоқлари гулга тўлди. Ун минглаб шоғирдлар эҳтиромидан Қаҳрамон онахоннинг чехраси бахтиёр шодликларга тўлди. У сўзламайди, қувончдан томоғи тўлиб қолган, фақат нигоҳлари гапирди: «Шу Ватан ишига фидо бў жоним...», «Элга, Ватанга қилинган, шу халқ, шу миллат учун қилинган меҳнат ҳеч қачон ерда қолмас экан», «Дунёда мактабдан табаррук ва мўътабар даргоҳ, кўнгирак овозидан ёқимли садо йўқ мен учун. Ана шу тақдорланмас мўъжиза мени салкам ярим аср қорлаб турди. Мактабим, қадрдоним! Сен менинг борлигим, сен менинг тириклигим тимсолисан! Сенда неки муҳассам экан, мен хурсандман...»

Қирқ йил мактаб бағрида, болалар орасида ўтган умр, гоҳ осуда, гоҳ ташвишли, шодумон лаҳзалар. Уларнинг ҳар бири устоз юрагига энг мўътабар гавҳардек жойлашган. Ўқувчиларнинг, ўқитувчиларнинг бағрида ўтказган кунлари ҳаётидаги энг мунис дамлар бўлиб, энг ёрқин юлдуздек ёғду сочиб туради. Ўқитувчининг умр мазмуни — шу!

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири



ШАРОИТГА ЯРАША ТАЛАБ, ТАЛАБГА ЯРАША ТАЙЁРГАРИК

Манзура Акрамова, Бухоро шаҳридаги 42-боғча-мактаб мажмуасининг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Бошланғич таълимга эътибор бермай туриб, кейинги босқичларда ўқувчининг билим эгаллаши кўнгилдагидек бўлишига эришиш қийиндир. Ҳозирги вақтда бошланғич синф ўқувчиларининг ижарага берилувчи китоблар билан таъминланиши, мажбурий синов текширув ишлари дафтарларининг берилиши, янги қўлланмалар бизга жуда ҳам маъқул тушмоқда. Қолаверса, ойлик маошларимиз ҳам ошди. Бўлаётган шунча ўзгаришларга нисбатан оддий муаллим нима қилиши керак? У ўзини, ўз иш услубларини бир сидра, керак бўлса минг карра қайта кўриб чиқиши талаб қилинапти. У ўз фанига доир энг сўнгги маълумотлар билан "қуролланиш" учун зарур бўлса, интернетга чиқсин. Газета-журнал титкиласин, радио тингласин, телеэкран қаршисида ўтириб, ўзига тегишли ниманидир олсин. Бир сўз билан айтганда, бугунги ўқитувчи ўзини тамоман янгиллаши лозим. Ҳамкасбларимнинг таълимга ёндашувлари хилма-хил. Нима қилиб бўлса ҳам боланинг саводини чиқариш бошқоқ, унинг мустақил фикрлаш доирасини кенгайтириб ўқитиш учун турли хил тажриба ва мейда-фойдала-ўтиш бошқа афсуски, касблари-кур тушутилар. Бобир хил дарс ўтавериштириб анъанавийлар ўтиш ҳам кайфириши, ҳам катга ундамиз эъти-

Ҳозир мен ўқитаётган болалар 4-синфда, улар анча-мунча серфикр, серрҳаракат, ҳар қандай воқеа-ҳодисага муносабат билдира оладилар. Шу боис мен улар билан ўз-ўзини бошқариш машгулотларини уюштиришга қарор қилганман. Ўқувчилар ўқитувчи иштирокисиз дарс ўтишади.

Дарснинг сифати қандай бўлиши керак, деган ўй менга тинчлик бермайди. Қандай қилсак, бола онги, шуурига кўпроқ билим сингдирамиз? Таълимга қандай ёндошсак, уларнинг ўзлаштиришини яхшилашга эришамиз?

Ҳозир мен ўқитаётган болалар 4-синфда, улар анча-мунча серфикр, серрҳаракат, ҳар қандай воқеа-ҳодисага муносабат билдира оладилар. Шу боис мен улар билан ўз-ўзини бошқариш машгулотларини уюштиришга қарор қилганман. Ўқувчилар ўқитувчи иштирокисиз дарс ўтишади. 36 бола 6 гуруҳга бўлиниб, сардорлар тайинланган, ҳар бир гуруҳ мавзу бўйича ишга киришади. Менга уларни кузатувчи сифатида йўналтириб туриш, дарс ниҳоясида баҳолаш вазифасигина қолади.

Бу, битта тажриба холос. Ваҳоланки, бу каби ноанъанавий дарсларнинг тури жуда кўп. Гап ҳафсалаларда, "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилдаги қарашларга барҳам беришда.

Мамлакатимизда мактаб иши умумхалқ, умумдавлат вазифасига айланди ва бу саъй-ҳаракатлар юрт истиқболи, тараққиёти учун эканлиги барчага аён. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаган эдики: "Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо бериш учун аввало, мураббийнинг ўзи шундай билимга эга бўлиши керак".

Дарҳақиқат, нинг маърифатли чи олдиға қўйилаҳамиша юқори. кун нуқтаи назабўлсак, амалға лоҳотларға нисбагарлик даражаси қандай, ўзидаги етишмовчилик, муаммо ва нотекисликларни илғаяптими, унинг фикру хаёли бугун қандай ташвишлар билан банд, истиқболдаги режаларини тузишға киришяптими, деган саволлар табиий равишда кун тартибига чиқади. Сухбатдошларимиз билан айнан ушбу масалалар юзасидан мулоқотда бўлдик.

"Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо бериш учун аввало, мураббийнинг ўзи шундай билимга эга бўлиши керак".

барча замоналаркишиси — ўқитувдиган талаблар Масалға бугунги ридан қарайдиган оширилаётган истан унинг тайёр

Дилшодбек Абдукаримов, Андижон вилояти Хўжабод туманидаги заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати тарбиячиси:

— Жисмоний жиҳатдан нуқсонли булган болаларни ҳаётга тайёрлашда узиға хос муаммолар мавжуд. Булар гарчанд узимизға аён булса-да, ҳали бу соҳада анча-мунча иш қилиш имкониятларига эгалгимизни илғамай юрган эканмиз. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтидаги махсус курсға жалб қилинганимдан сунг мен узимда янги педагогик технологиялар буйича тажриба ва малака йўқлигини англадим. Бу ерда "Кластер", "Бинго", "Суд" каби интерфаол усулда дарс ва машгулотлар олиб бориш методикаси билан танишдик.

Биздан талаб қилинадигани фидойилик, болажонлик, меҳрибонлик ва қунт. Агар ана шу хислатларни ўзимизда ривожлантира олсак, ҳар бир махсус мактаб-интернатда соғлом рақобат муҳити вужудға келар эди.

Махсус мактаб-интернатимизда ана шу усулларнинг асл моҳияти ҳақида семинар-тренинг утказишни режалаштирдим. Тарбиявий ишларимиз ҳали анча орқада. Алмисокдан қолган техник воситалар — эскирган лингофон, эшиттирувчи мосламаларни янгилашимиз керак. Туман прокуратурасининг бевосита кўмаги билан ётоқхонамиз маиший техник воситалар билан таъминланди. Аммо бу билан муаммоларға нуқта қўйилгани йўқ. Биздан талаб қилинадигани фидойилик, болажонлик, меҳрибонлик ва қунт. Агар ана шу хислатларни узимизда ривожлантира олсак, ҳар бир махсус мактаб-интернатда соғлом рақобат муҳити вужудға келар эди.

"Ma'rifat" intervyusi

Шерзод Иброҳимов, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 9-ўрта мактаб директори:



— Ҳар бир мактаб алоҳида "рўзгор", рўзгор эса ғор, қанча солганинг билан тўлмайд. Унинг бошида эса етакчи шахс бўлиб директор туради. Таълим-тарбиянинг сифати, ўқитувчининг маоши, синфхоналарнинг талаб даражасида бўлиши, борингки, мактаб ҳовлисининг саранжом-саришталлиги ҳам раҳбардан алоҳида масъулият, синчковлик, тадбиркорликни талаб қилади.

Ҳали нисбатан ёш директор бўлганим боис таълим даргоҳини бошқаришнинг ўзига хос қийинчиликларига дуч келмоқдаман. Юқорида айтганимдек, раҳбар ҳар бир масала учун масъул. 350 ўринли мактабимизнинг ўзига хос муаммолари бор.

Яқинда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ташкил қилинган мактаб директорларининг бир ҳафсида мала-Мактабни жиҳатдан нинг бир лари мавҳақида ту-к а м р о қ мактаб-вий маса-ҳ а л л и й ҳисобидан Лекин тад-ган раҳбар-ни иқтисо-дан ҳам қ и л и б қин экан. Эшитганим бор, республикамизда ўз ҳисоб рақамига эга мактаблар кўп ва улар фақат бюджетға кўз тикиб ўтирмайдилар. Бундай даргоҳларда ўқитувчини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятлари ҳам кўпаяди.

талик кур-ка опирдик. молиявий бошқариш-қанча усул-ж у д л и г и ш у н ч а м и з экан. Тўғри, нинг молия-лалари ма-б ю д ж е т қопланади. бирини топ-ўз мактаби-дий жиҳат-ба қ у в в а т олиши мум-қин экан. Эшитганим бор, республикамизда ўз ҳисоб рақамига эга мактаблар кўп ва улар фақат бюджетға кўз тикиб ўтирмайдилар. Бундай даргоҳларда ўқитувчини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятлари ҳам кўпаяди. Ҳар бир мактабда, масалан, бизда ҳам ер майдони бор. Аммо ундан фойдаланишға келганда қўл силкиганмиз. Келгусида томорқадан ҳосил олишни режалаштириямиз. Бу орқали ўқитувчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш имконияти юзага чиқар, деган ниятдаман. Бундан ташқари, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитувчиларни иш сифати бўйича маош билан таъминлаш, ота-оналар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, чуқурлаштирилган, табақалаштирилган синфларни кўпайтириш каби вазифалар ҳам бор.

Ҳ.ТҶИМАНОВА суҳбатлашди



Республика Автоҳаваскорлар кўнгилли жамияти автомобиль мактаби ҳар йили тахминан 35–40 та гуруҳ ҳайдовчиларини тайёрлайди. Автомактаб катта ўқитувчиси Ботир Аҳмедов 19 йилдан бери ушбу масканда дарс бериб келади.

— Бу мактаб республикада методик марказ ҳисобланади, йўл ҳаракати хавфсизлиги, транспорт ҳодисалари тадбирларида мунтазам қатнашади, — дейди Б.Аҳмедов. — Ундан ташқари ўқув масканимизда таълим олувчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Дарҳақиқат, мактабнинг ҳар бир гуруҳи учун мўлжалланган синфхонаси барча керакли йўл ҳаракати белгилари, техника эҳтиёт қисмлари билан жиҳозланган. Бу ерда автомобилларни сошлаш ишлари ҳам ўргатилади. Дарслар эса қатъий тартиб-интизом асосида олиб борилади.

Сурада катта ўқитувчи Ботир Аҳмедов дарс пайтида.

Бурҳон РИЗО олган сура.

«Ўқитувчини замонларни бир-бирига боғлаб турувчи ҳалқага ўхшатишлари бежиз эмас. Назаримда, бу халқ ҳаётининг, жамиятнинг мувоzanатини сақлаб туради» (Ойбуви Очилова, «Олтин халқа»).

Маълумки, ўқитувчи зиммасига ҳаёт талабларига тўла жавоб берадиган ва ўз замониға муносиб кишиларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Қуёш ўз нури билан бутун табиат, борлиқни жонлантиргани каби, ўқитувчи мураббий ҳам бор имконияти билан ўз шогирди қалбини илм зиёси билан тўлдиришга аҳд қилган буюк касб эгасидир.

Устоз... Бу сўз замирида ниҳоятда улуғ маъно ётади. Ҳар қандай жамиятда устоз доимо улуғланиб келинган. Шунинг учун ҳам буюк бобомиз Амир Темур ўз васиятида хокини пири устози Саид Барака қабри пойига қўйишларини айтган эди. Бу соҳа эгаларига буюк

лари амалга ошаётган истиқлол йилларида Президентимиз томонидан доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиб келинмоқда. 1 октябрь – «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ва бу кун дам олиш куни деб эълон қилиниши барча ўқитувчи ва мураббийлар билан бир қаторда кенг жамоатчиликни мамнун этади. Жорий йилнинг май ойида «Маърифат», «Учитель Узбекистана», «Ишонч» ва «Хуррият» газеталарида ўқитувчи

«Ҳатто ўз ўқувчиларининг қилиқлари, қизиқишлари, ўзига хос феъл-атворлари ҳақида гапиришдан зерикмайди» (Боймирза Норбеков, «Истиқлолдан илҳомланган мураббий»).

қўмитасининг қўшма қарори билан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъати танлов муассислари томонидан тайёрланган махсус меъёрлар асосида ҳолисона баҳоладилар. Таъкидлаш жоизки, барча муаллифлар танловнинг мақсадини тўғри англаб етиб, устозларнинг меҳнати ни улуғлаш, уларнинг тажрибасини ёритишга ҳаракат қилишган.

Танловнинг иккинчи ва учинчи номинацияси, яъни, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар йўналиши бўйича ҳам «Ўзтелерадиокомпания»сининг барча теле ва радиоканалларида ўқитувчи устозларга бағишланган кўрсатув ва радиоэшиттиришлар бериб борилди. Танлов ташкилий қўмитасига бу йўналишлар бўйича келиб тушган таклифлар



ва мураббийларнинг жамиятдаги тутган ўрни, фидокорона меҳнати ҳамда жамият маънавий ҳаётига қўшаётган ҳиссасини

БОКИРА ДУНЁНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ

«Ўқитувчим — фахрим» танловига

«Муқаддам опамиз бир қизининг пайпоғини тикиб берар, бирига уйдан олиб келган жузли шарфни ўраб кўяр, бир боланинг пешонасига қўлини қўйиб, югуриб чиқиб кетар, қаердандир дори топиб келиб, ичириб кўяр, жусаси кичкинагина Заҳрони етаклаб, уйига олиб кетарди (отаси йўқ, онаси касалхонада, қиз қаровсиз қолган). Кейин эса Заҳро шу Муқаддам опа хонадонида вояга етган» (Муҳаббат Туробова, «Дарё тубидаги жавоҳир»).

Навоий, шоҳ Бобур, Нодирабегиму Увайсийлар ҳам таъзимда бўлишган. Алишернинг қўлига қалам тутқазган ҳам, Гагаринни фазога учирган ҳам ўша камтарин инсон — ўқитувчидир.

Ўқитувчиларнинг меҳнати азалдан халқимиз, ҳукуматимиз томонидан улуғланиб келинган. Ота-боболаримиз орзу армон-

рағбатлантириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида «Ўқитувчим — фахрим» танлови эълон қилинганлиги фикримизнинг ёрқин намунаси бўла олади. Ушбу танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Журналистлар ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси муассислигида амалга оширилди. Ушбу танловга журналистлар, мухбирлар, репортёрлар, ёзувчилар, ижодкор ўқитувчи ва барча қизиқувчилар томонидан ўз худудларида яшаб ишлаётган ёки ҳозирда нафақада бўлган фахрий устоз-мураббийларнинг ҳаёт йўли ёритилган 50 га яқин мақола ва очерклар келиб тушди. Танловга жюри билан материалларни Халқ таълими вазирлиги, Телерадиокомпания, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий

«Орзуқул ака билан гурунқилар экансиз, унинг суҳбатчи ҳам, ҳангомаси ҳам мактаб эканлигини сезасиз. Мактабда бўлаётган ишлар, мактабга бўлаётган эътибор хусусида сўзлайди, гўё унинг ўзининг, ўз ташвиши йўқдек — гапирмайди, мактабдан гапирари. Гўё Увобсой чоратрофга ҳаёт бахш этиб бунни миннат қилмагани каби... Дарёнинг ҳам, муаллимнинг ҳам қадами етган жой обод бўлар экан-да ўзи, деб ўйлайсиз (Икром Бўрибоев, «Увобсой ва муаллим»).


экспертлар томонидан баҳола-ниб, яқуний ҳулосалар танлов ҳайъатига тақдим этилди.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳукуматимиз томонидан мактаб таълимнинг моддий-техника базасини яхшилашга, ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратилаётган даврда «Ўқитувчим — фахрим» танлови ўзининг камтар меҳнати билан халқ олдида хурматга сазовор бўлган ўқитувчи-мураббийларимизни элга танитишга, шогирдлар қалбига уларга бўлган хурмат-иззат доимий эканлигини эътироф этишга хизмат қилади, дейишимиз мумкин.

Дониёр ҲУРОЛОВ,
Халқ таълими вазирлиги
масъул ходими

«Муаллим, сиз қизча учун дунёдаги энг оқил, билимдон инсон эдингиз. Сиздан ўтадиган яхши инсон йўқ эди. Агар китобларингни, кийимларингни кир қилсаларинг мен сизлардан ранжийман», дер эдингиз. У сизни ранжитиб қўйишдан эса жудаям кўрқади. Бу унга кечирилмас гуноҳ бўлиб туюларди.

Бир кунги ногоҳ кўчада сизни кўриб қолди. Ерга боққанча суҳбатдошингизни тинглаб келаётган экансиз. Қизчанинг кўйлаклари, кўллари чанг эди. Муаллим мени бу аҳволда кўрмасин деган ўй билан шартта йўл четидидаги ялпизлар гуллаб ётган ариқча тушиб, ётиб олди. То ўтиб кетганингизга қадар «нафаси»ни чиқармади». (Саъдина Бобомуродова, «Сиздан сўзлаб яшайман, муаллим»).



«СИРЛИ САНДИҚ»

уни очшига ўқитувчининг калити борми?

Бола ҳар куни мактабга бораркан, ўқитувчиси унга ота-онадек бўлиб қолади. Ўқувчисининг ҳар кунги кайфиятини унинг кўзига қараб билиб оладиган устозлар бор. Шунингдек, ўзи дарс берадиган талабанинг кимлигини билмайдиганлар ҳам топилди. Негадир яхши ўқийдиган талаба ёки ўқувчини ҳамма яхши танийди. Доим бир нимани бошлаб юрадиган ўйинқароқларни ҳам кўпчилик билади. Аммо дарсга келмайдиган ёки ўқишга шашти пастроқларни эса ҳеч ким суриштирмайди. Баъзан эса уни «дангаса» деб эътироф этиш билангина чекланилади. Хўш, ўқувчи ёки талабанинг шахсий ҳаётига аралашшига ўқитувчининг қанчалик ҳаққи бор? Ўқитувчи ўзи дарс берадиган боланинг оилавий ишларига аралашши керакми ёки аксинча?

Юқори синфда ўқийдиган пайтларимиз эди. Йигит-қизлар ўртасида хат ёзишлар бошланди. Нима бўлдию бир йигитнинг хати ўқитувчининг қўлига тушиб қолди. У ўқувчисининг адабини бериш учун директорга айтди. Ўқиш ўрнига «бемаъни ишлар» билан шуғулланаётган болани ўртага олиб шундай уялтиришдики, бола катта гуноҳ қилиб қўйибман, деб ўйлаб йиғлаб юборди. Ота-онамга айтишмасам бўлди, деб кўрққан йигитнинг барча синфдошлари бу воқеадан хабардор қилинди. Энди синфдошлар уни ўзаро мазах қиладиган бўлишди. Бу воқеадан кейин нафақат у йигит, балки бошқа ўқувчилар ҳам устозига бирор нарса айтишга кўрқиб қолишди...

Шундай ўқитувчилар борки, синфда нечта бола бўлса, ўшанча тил биладилар. Яъни, уларнинг ҳар бири билан ўз тилини топиб гаплашадилар. Баъзан ўсмир ёшидаги ўқувчи йигит-қизлар ота-онасига айтолмаган сирларини устозларига айтиб, тўғри маслаҳат сўрайдилар. Устознинг ҳўяли маслаҳат ва тўғри ўғити сабаб ёмон йўлдан ёки ёмон ишдан қайтганлар қанча?

Тарбияси оғир ўқувчи осмондан тушмайди. Унинг оиласи нотинч ёки ота-онаси унга етарлича эътибор қилмаган. Зукко ва тажрибали устозлар бундай болалар билан ҳам муомала қилишни ундай оладилар. Аммо баъзан устозларнинг фақат ўқиган бола яхши бўлади, деб ўйлашлари оқибатида кўп тушунмовчиликлар содир бўлади.

Университетда битирувчи курсда ўқиётганимизда, яқуний назорат ишини ёшгина аёл ўқитувчи олди. Ушанда бир курсдошимизнинг ижарадаги уйи ёниб кетган, ўзи эса нима қилишини билмай гаранг юрарди. Бу

нарсани икки-уч яқинларидан бошқа ҳеч ким билмасди. Ҳалиги курсдошим энди нима қиламан, деган кучли кўрқувми ёки ҳаёл биланми ёзма ишда ўз дардини ёзиб беради. Орадан бир ҳафта ўтди. Энди бошқа гуруҳдагилар келиб биздан курсдошимизнинг аҳолини сўрашарди. Мен улар қайдан билганини билолмай хуноб эдим. Маълум бўлишича, ёзма ишни ўқиган ёш домланинг жаҳли чиққан. Талабам майна-возчилик қилапти деб ўйлаб, ёзганларини бошқаларга ҳам ўқиб берган. Энди бечора уйи куйган талаба юзи куйгандек одамлардан қочиб юришга ҳаракат қиларди. Мени муҳокама қилишмаяптими деб одамларнинг гап-сўзидан кўрқиб, кам кўринадиган бўлиб қолди.

Ушандаги ёзма ишни ўқиган домла талабанинг нега бундай ёзганига қизиқиб, ўзи билан алоҳида суҳбатлашиб кўрс бўларди-ку?! Жуда бўлмаса, унинг курсдошларидан қандай одам эканлигини суриштириб билса, балки шундоқ ҳам аросатда қолган бир бечоранинг кўнглини баттарроқ ранжитиб қўймасмиди?

Менимча, биз ҳамма иши «силлик» кетаётган намунали талабага кўп аҳамият бермасдан, айнан ёмон ўқийдиган ёки умуман ўқимайдиганларга кўпроқ қизиқишимиз лозим. Сабаби, яхши ўқийдиган бола ўзини эплай олади, ўқишга иштиёқи паст, келса ҳам бир четда индамай ўтирадиганларга ёрдам бериш керак. Ўқувчи ё талабанинг қандай ўқишида оилавий муҳитнинг ўрни катта: Ўзлаштириши паст, сустроқ ўқувчи ёки талабанинг ҳақиқий шароитини билмасдан туриб ноҳақ хафа қилиб қўймасликка ҳаракат қилиш лозим.

Юқоридаги икки ҳаётий мисол билан барча устозлар бир хил деган фикрдан йироқман. Гуруҳимиздаги бир қиз оиланинг боши бўлиб, ука-сингилларини боқиш унинг зиммасида эди. Бунинг устига шартнома асосида ўқийди. Дарсларга кўп келолмас, келганда ҳам яхши ўқишга имкон тополмасди. Ҳаёлида доим уй-рўзгор ташвиши турарди. Бунинг билган гуруҳ раҳбаримиз унга ортиқча гапирмас, ҳатто бошқа фан ўқитувчиларига ҳам вазиятни тушунтириб беради. Ана шундай тушунган инсон бизга раҳбарлик қилганликларини учун кўп кўнгулхиралikka йўл қўйилмасди. Назаримда, ўқувчи ҳам сирли сандиққа ўхшамай домласига ишонса, иккови ўртасида дўстона алоқа бўлса, кўп тушунмовчилиги дилсиёҳликларнинг олди олинарди. Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай?

Зухра БОБОХЎЖАЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ




профессор ўқитувчилари ва талабалари жамоаси мамлакатимиз таълим тизимидаги барча устозларни

1 октябрь —

Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами билан қутлайди!

МУАЛЛИМ, УСТОЗ, МУРАББИЙ, бу — бутун башарият ҳурматига, эъзозига, ардоғига сазовор бўлган инсонлар! Уларнинг теран фикри, илми, одоби инсониятни ибтидодан то шу кунгача жаҳодатдан маърифатга етаклаб келди. Шу боис илму урфон, одобу ахлоқ, самимият улардан ўрганилади. Уларсиз таълим-тарбияни тасаввур қилиш мушкул. Ана шундай таърифга лойиқ касб соҳибларига узоқ умр, бахт-саодат, оилавий хотиржамлик, шахсий ҳаётларида омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

KUCH — BILIM VA TAFAKKURDA



АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ВА МЎЪТАБАР УСТОЗЛАР!

— Сенлар ҳам ўз кўнглингда қиз боламан, дейсанлару ҳовлининг бир парча ерига гул экиб, обод қилишни хаёлингга ҳам келтирмайсанлар-а, — койирдилар гоҳо худо раҳмат қилгур бувим. — Шўринг қурғур ўсма ўсмалигига пушмон қилади баъзан. Му-ундоқ эзиб, қошгинангга қўймайсанлар...

Сўнгра ўзлари ўсмани жиндек сўлиптиб, сопол пиёлага эринмасдан сувини сиқиб берардилар. "Ҳадичахондан айланай, дердилар бувим жўшиб, ҳовлига кирсанг анвойи гуллар ифоридан димофинг чоғ бўлади. Ҳовлиси худди жаннатнинг ўзгинаси!"

Ҳақиқатан, маҳалламизда Ҳадича опанинг олдига тушадиган келинни эслолмайман. Дарвозасидан то чорбоғигача экинлар бўйлаб шунақанги гуллар экадики, уларнинг номини ҳам тополмай қолардик. Райҳону хиналарнинг ўзи ўн хилдан ошади.

Субҳи содиқда қўшниси Ҳалима аяни-кига атиргулсимон хина билан гулибеор гулларини кўтарганича чопиб киради Ҳадича опа.

— Қаранг, опа, бирам ғаройиб, бодроқдек бўлиб очилди. Эккан гулларимнинг очилганини кўрсам яйраб кетаман, қанийди, ҳамма гулсевар бўлса-я, атроф гулзорга айланса...

Ҳадича опанинг гулзори йил сайин кенгайди. Ундан турли гул уруғлари, кўчатларини олиб маҳалла келинлари ўз ҳовлиларини жаннатга менгзайдилар. Опанинг ишқи фақат гулда эмас, у киши

О'қитувчим — faxrim

таъсири сабабми синфимиз битирувчиларининг ярми рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлишга иштиёқ билдирдилар.

Ҳадича опанинг турмуш ўртоғи Валижон ака Иброҳимов ҳам 40 йилга яқин педагогика соҳасида ишлаб, рус тили ва адабиётдан ёшларга дарс берди.

Уларнинг қизлари Феруза, Фотима ва Зухралар ҳам педагог бўлиб ишлашмоқда.

Ҳадича опанинг ўз касбига меҳри чексиз, болажонлар билан фаолиятини давом эттираётганининг ўзи ҳам бундан далолат бериб турибди. Шогирдлари унинг гулу гулзорлар зеб бериб турган ҳовлисига тез-тез келиб туришади. Набиралари билан гавжум хонадон соҳиби Валижон ака ҳам рафиқасининг нозик диди, меҳрибончилиги ва бағрикенглигини қадрлайди. Ана шундай инсоний фазилатлардан ўрганган Гавҳарой шаҳримиздаги қаровсиз қариялардан бири — Ҳалима момони оқ ювиб, оқ тараб парваришлади. Беминнат дастёри бўлди. Гавҳарой товаршунос ихтисослигида ишлаш билан биргаликда, онахоннинг иссиқ-совуғидан тез-тез хабар олиб турди. Ҳалима момо тўшакка миҳланиб қолганида, ўзининг икки нафар қизалоғи бўла туриб кампирни уйига олиб келди, суянчиғи бўлди.

— Менинг Гавҳарим — шамси-қамарим,

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ҚАДРЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР, МЕҲРИБОН МУРАББИЙЛАР!

«Mehmonxon»dagi tilaklar

Мақтабни тугатганимизнинг 10, 20, 25, 30, 40 йилликларига борганмиз. Уларнинг чехраларидаги ифодани ўзимча шундай баҳолайман: ўқитувчи бўлмаса, мактаб бўлмаса инсоният не кўйга тушар экан? Бу ҳақда чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрадиган киши кам топилса керак. Агар улар бўлмаса, ҳаёт бу қадар гўзал ва мазмунли кўринмас эди, дунё ҳозиргидек ривожланмас эди, бу менинг қатъий фикрим.

Бахтиёр ИХТИЁРОВ,
актёр

ТОПГАНИНИ МАКТАБГА ТАШИРДИ

Дейдиларки, инсон охирада бу си-ноатли дунёда қилган яхши амаллари-ю савоб ишлари туфайлигина сийланар экан. Оламга тафаккур кўзи билан боқсангиз, бу ҳикमत нечоғлиқ ҳақ эканига иқрор бўласиз. Эътибор қилсангиз, тонглар кулибгина отади. Кўёш илиқ нурлари билан кунингиз, кўнглингизни нурафшон айламоқ бўлади. Туннинг сокин кенгликларидан руҳингиз, вужудингиз ором олади. Инсоннинг том маънодаги Инсон бўлиб яшашга учун Яратган ўз қарамини тўқис ато этгандек...

Бу ёғи Одамзотнинг уқуви ва ҳаракатида. Ақлий ва жисмоний куч идрок билан ишга солинса, ризку насиба бутун. Омад ҳам оёғингиз остидан жилмайиб чиқаверади. Тақдир ёрлақаса, мартабангиз улуг, кўлингиз узун бўлаверар... Лекин назаримда инсоннинг бу бисёрликларга суяниб, ўзи билан ўзи қоришиб яшашга кўникиши унинг бу алдамчи дунёга алданишидир. Маънавий қашшоқликнинг илдиэларидан бири балки ана шу нуқтадан бошланар. Миллий қадриятларимизни улуғлаш, Ватан, эл учун яхши амаллар қилиб, ибратли умр кечирган юртдошларимиз номини, хотирасини эъзозлаш ана шу қашшоқликнинг олдини олиш йўлидаги гўзал ҳаракатлардан. Қалб кўзи уйғонса, дунё янада покланаверади...

... 1939 йил собиқ Ўрта Осиё давлат университетини тугатган Холмат Абдушукуров нафақат вилоят, туман, ҳатто хўжалик марказидан ана шу 50-60 километр олисликда жойлашган Сентоб қишлоғида мактаб қурилишини ташкил этиш ташвишига тушди. Ўзи шу қишлоқда униб-ўсган. Тенгқурлари билан олислардаги дам у, дам бу мактабга қатнаб, йўл азобини кўп чеккан. Тоғ бағри эмасми, гоҳи касалчиликдан ҳафталаб ўқийдиган қолиб кетишарди. Гоҳ қор бўрони кўтарилиб, ярим йўлдан ортга қайтишар, гоҳ мактабга етиб олгунча оёқ-кўллари музлаб қоларди... Бу қийинчиликларни обдон татиган Холмат Абдушукуров «Чўпон-чўлиқларнинг болалари ҳам мукамал билим олишга ҳақди...» деган талаб билан идорама-идора қатнашдан чарчамади. Шу тариқа 29 ёшли муаллимнинг чизган лойиҳаси асосида Сентобда мактаб қурилди. Бинонинг илк гиштини Холмат ака ўз қўли билан қўйди. Янги мактабнинг очилиши ўша давр учун катта воқелик эди. Аини пайтда фақат сентоблик эмас Соб, Сунбулоқ, Кичик сой, Фориш қишлоқларида яшовчи йигит-қизларнинг ҳам олиси анча яқин бўлди. Домла эса аввал муаллимлик қилган бўлса, кўп ўтмай директорликка кўтарилди. Шу йиллари Сентоб Жиззах вилоятининг Фориш туманига қарашли эди.

Тадбиркор раҳбарни 1940 йили туман халқ таълими бўлими мудури этиб тайинлашди. Унинг ташаббуси, ташкилотчилиги билан шу йилнинг ўзида Сентобдаги мактаб лойиҳаси асосида Форишда ҳам янги билим маскани қад ростлади.

— Холмат ака билан қачон суҳбатлашсангиз, маориф ишини ривожлантириш, жамиятдаги барча муаммоларни фақат маърифатли инсонларни камол топтириш билангина ечиш мумкинлиги ҳақида тўлқинланиб сўзларди, — дейди шу мактабда узоқ йиллар ишлаган фахрий ўқитувчи Ором Пўлатов. — Шу йўлда ҳеч ўзини аямасди. Топганини мактабга таширди. Унинг ғайрат-шижоати, ёшларни руҳлантира билишдек фазилати билан туман мактабларидаги ўқитиш ишларининг сифат ва самаралорлиги қисқа муддат ичида кескин даражада кўтарилган эди. Агар уруш бўлмаганда у ҳам кўп эзгу ишларга бош бўларди...

Холмат Абдушукуров ҳам 1941 йилнинг августида Ватан ҳимоясига отланди. Аммо қақшатиқ жанглардан бирида қаттиқ яраланиб, 1942 йил ҳарбий госпиталда вафот этди... Муаллимнинг қисматида бор йўғи 31 йиллик умр эзилган экан. Лекин етмиш-саксон йил яшаб, сарҳисоб гали келганда тили калимага келмай қоладиганларнинг қаршида унинг юзи ёруғ, ниятлари голиб. 1939-40 йиллар у бош бўлиб қурилган ҳар иккала мактабда бугун юзлаб ўқувчилар таълим-тарбия олишмоқда. Аини пайтда Навоий вилоятининг Нурота тумани Сентоб қишлоғидаги мазкур илм гўшаси Холмат Абдушукуров номи билан юритилади.

— Биз Холмат ака бошлаган эзгу ишларни ҳалол ва сидқидилдан давом эттирмоққа бурчдоримиз, — дейди мактаб директори Абдукарим Давронов. — Ўтган йиллар давомида вилоят марказидан қарийб икки юз километр олисликдаги ана шу мўъжазгина мактабни тугатган ўнлаб собиқ ўқувчиларимиз жамиятимизнинг турли соҳаларида раҳбарлик лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилиб, элу юртга фойдаси тегмоқда.

— Мактабимизда дарслар тожик тилида олиб борилади, — дея бизни синф хоналари томон бошлайди А.Давронов. — Яқин йилларда бадий адабиётлар ололганимиз йўқ. Вилоятимизда «Мактаблар куни» ўтказилаётгани шарофати билан 10 донна замонавий компьютерлар келтирилди. «Нурота» хўжалиги раҳбарияти таъмирлаш ишларига яқиндан кўмаклашмоқда.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЗИЙНАТ

ҳамма нарсага, ҳар бир машғулотга бошқача ҳавас, ҳафсала билан ёндошадилар. Ҳадича опанинг том маънодаги гуллари — шогирдлари сони саноксиз. Опа салкам 40 йил Ангрндаги 41-ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. Болаларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келди. Нафақага чиққач ҳам тек ўтирмади, Дукент маданият саройида кўғирчоқ театри ташкил этди. Саҳнага болажонларни чорлаб, уларнинг ўзлари ясаган ўйинчоқларига жон бағишлади. Саҳна ортидан «Теремок» театрининг иқтидорли болалари кўғирчоқларини рус тилида бийрон-бийрон гапиртирганида, тошкентлик томошабинлар уларнинг маҳоратига қойил қолишган.

— Биз сизларни рус миллатига мансуб болалар ёхуд рус мактабда ўқишди, деб ўйладик рости, дейишганди улар, — дейди тўлқинланиб Ҳадича опа. — Чунки театримиз аъзолари рус тилида тиниқ гапиршарди. Ўзбек миллий қаҳрамонлари тўғрисида эртақлар, ривоятлар саҳналаштирганмиз. Саҳна кўринишларимизни, айникса, боғча болалари, мактаб ўқувчилари мириқиб томоша қилишади.

Ҳадича опа мактабимизнинг энг куюнчак, билимдон рус тили ва адабиёти ўқитувчиси ҳисобланиб, у ўқитган ўқувчиларнинг аксарияти республика олимпиадаларида, турли кўрик-танловлар голиби бўлганлар. Рус тили ва адабиёти кабинетларида тил ўрганиш учун барча техникавий воситалар муҳайё эди. Бунинг устига мактабларимизда яқингача рус тилига эътибор кучли бўлиб, ҳафтанинг ҳар бир кунда лоақал бир соат рус тили фани ўтиларди.

Ҳадича опа ўқувчилар талаффузига, ўзлаштиришига ва албатта, рус тилида эркин гапира билишига интилади доим. Кўп ҳолларда у бунга эришади ҳам. Рус тили тўғарақлари, кўғирчоқ театрининг рус тилидаги саҳна асарлари ўқувчиларнинг тил ўрганиш салоҳиятларини оширганлиги шубҳасиз. Ҳадича опа «Тирилиш» романини оғзаки баён этиб берганларида беҳтиёр асарга сингиб кетардик. Қаҳрамонларнинг кечинмаларини устозимиз ички ҳаяжон билан шундай ифодалардики, воқеликлар тасаввуримизда ҳанузгача муҳрланиб қолган. Ҳали-ҳамон эсимда, рус шоирларининг жуда кўплаб шеърларини ёд олганмиз. Шеър ўқиш санъати ҳам юксак эди устознинг. Ҳар биримизнинг хатоларимизни эринмай тузатардилар. Чуқур ўтилган фан, устоз

рим, ғариб кўнглимга чироқ ёққан қизим, — дея алқарди онахон уни. Момо оғирлашиб қолганида, кўпни кўрган Ҳадича опа унга иссиқ бағридан жой берди. Оғзига қошиқ тутди, оқ ювиб, оқ тараб то сўнги кунигача ёнидан кетмади. Ҳариблигини билдиришмаган меҳрибонлардан рози бўлиб, дуо қила-қила ўтди момо.

Маҳалла аҳли она-боланинг бағрикенглигига, одамийлигига таҳсинлар айтишди. Онахоннинг маъракалари ҳам Ҳадича опанинг хонадонидан ўтди. Айримлар ўз туғишганларига ҳатто рўшнолик кўрсатмайдилар, она-боланинг беминнат хизмати бошқаларга ибрат бўлди, албатта.

— Инсон дуо билан кўқаради, — дейди Ҳадича опа, — Қизларим худого шукр, назокатли, иболи, камтар, меҳнатсевар. Ўғлим Нодиржоннинг ҳам одобидан, зехнидан қувонаман. Уларнинг келажагига ишонаман, ҳозирги имкониятлар эшиги кенг очилган даврда ўз орзу-ниятларига етишишларига кўзим етади. Шогирдларим ҳақида ҳам шу фикрдаман, уларнинг ғайратли, ҳаракатчанларини омад кучди. Ниятлари йўлдошлари бўлди. Ўз порлоқ келажақларини ўзлари яратдилар. Ниҳолни бўз тупроққа суқиб қўйган билан иш битмайди, унга парварिश, эътибор керак. Биз ҳам фарзандларимизни ташлаб қўймайлик. Уларнинг қизиқишларига безътибор бўлсак, маънан қўллаб-қувватлаб турмасак ўзимизга қийин бўлади. Улар ўз орзуларига оппа-осон эришмасдан, меҳнат нималигини ҳам ҳис қилишсин. Ҳар тонг кенжа қизим Ирода-ой Гўзал опаси билан гулларга сув сепишни қанда қилмайди. Бу оддий ҳолдек туюлади бизга, аммо шу арзиманган ишни ҳам унга ҳар кун эслатишга ҳожат қолмаганидан, унинг мустақиллигидан шодланаман. Болаларимиз гўзалликни туюб улғайсинлар, токи кўнгилларида ёмонликка жой қолмасин.



Ҳадича опа ўқитувчи маданиятидан сўз очди. Баъзилар бор, 45 минутни амалтақал қилиб ўтказиб, жонларига ҳаловат излайдилар. Баъзи жонфидолар ҳатто уйларида ҳам ўқувчилари билан астойдил шуғулланишади. Уларнинг ютуқларидан завқланадилар. Бугун маърифатимиз юксалишида бор кучини сарфлаётган ўқитувчилар омон бўлишсин. Уларнинг борлиги ҳаётимизга, турмушимизга зийнат бағишлаши шубҳасиз.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН ҚИЗИ,
журналист

O'ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETI

Muhtaram o'qituvchi va murabbiylar!

Fan va ta'lim sohasida ilmiy izlanishlar olib borayotgan hamkasblar, aziz ustozlar! Barchangizni O'qituvchilar va murabbiylar kuni umumxalq bayrami bilan qutlaymiz! Mamlakatimizning ta'lim tizimidagi islohotlarni yanada jadallashtirish, iqtidorli yoshlarni tarbiyalab, voyaga yetkazish, yangi-yangi ilmiy kashfiyotlarni yuzaga chiqarish jarayonidagi ishtirokingiz doimo samarali bo'lishiga tilakdoshmiz. Yuzingizdan tabassum, qalbingizdan mehr nuri arimasin. Xonadoningiz doimo serfayz bo'lsin!



AYYOMINGIZ MUBORAK, AZIZ O'QITUVCHI VA MURABBIYLAR!

ХИВАДАГИ "ГИЛАМЧИ" ЕНГИЛ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ



**КОЛЛЕЖИМИЗДА ГИЛАМ ТЎҶИШ,
ТИКУВЧИЛИК, ҲИСОБЧИЛИК
ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ
МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ.
АЗИЗ ЁШЛАР БИЛИМ ЮРТИМИЗ
ЭШИКЛАРИ СИЗЛАР
УЧУН ДОИМО ОЧИҚ!**

ХИВАМИЗНИНГ ГИЛАМЛАРИ

*Муҳтарам ўқитувчи ва
мураббийлар!*

*Барчангизни умумхалқ
байрами билан қутлаймиз!
Хонадонингизга тинчлик-
хотиржамлик, баркамол
авлодни тарбиялашдаги
сермашаққат
меҳнатларингизда
омад ва зафарлар
тилаймиз!*

ҚУРБОНЛАР СОНИ 2 МИНГГА ЕТДИ

Гаити оролига ёпирилиб келган тўфон ва кучли ёгингарчилик оқибатида 2 минг киши ҳалок бўлган ва кўплаб фуқаролар дом-дараксиз йўқолган. Бу ҳақда фуқаролик муҳофазаси агентлиги ходими



Абель Назер хабар берди.

Охирги маълумотларга қараганда, 1330 кишининг жасади топилган. Яна 1056 киши дом-дараксиз йўқолган деб ҳисобланмоқда. 2 минг 600дан зиёдроқ кишилар турли даражадаги тан жароҳатлари олган. 300 мингдан ортқ орол аҳолиси яшаш жойидан ажралиб қолган. Қурбон бўлганлар сони ортиб бормоқда. Қутқарувчилар куну тун босиб қолган уйларнинг тагидан жасадаларни қовлаб олишмоқда. Бундан ташқари, дори-дармон ва ичимлик суви ётишмаётганлиги сабабли ҳар хил юқумли касалликлар тарқалиб кетмоқда, дея хабар беради РИА «Новости».

ЖОРЖ БУШ КОНГРЕССГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

АҚШ президенти Жорж Буш мамлакат конгрессига мурожаат қилиб, кучли тўфонлардан азият чеккан штатларга 7 млрд. доллар ажратишни сўради. АҚШ президенти шу ойнинг ичида учинчи бор конгрессдан табиий офат оқибатларини бартараф эттиш учун маблағ сўрамоқда. Утган сафар конгресс «Чарли» тўфони оқибатида катта зарар кўрган Флорида штатига 2 млрд. доллар ажратган эди. Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар бермоқда. Умуман, ушбу ойнинг ўзида АҚШнинг 4 штатига бостириб келган «Иван», «Жанна», «Френсис» ва «Чарли» тўфонлари оқибатида 6 нафар киши ҳалок бўлган, кўплаб фуқаролар талафат кўрган.



«ЛУВР» ДАН КАТТА ОЛМОС ЙЎҚОЛГАН

Франциянинг пойтахти Парижда жойлашган машҳур «Лувр» музейида ўтаётган заргарлар кўргазмасидан икки ноёб олмос тош йўқолган. Уларнинг умумий нархи ҳозирда 11,5 млн. еврони ташкил қилмоқда. Қимматбаҳо тошлар кўргазма майдончасидан ўйрилган. Полициячиларнинг айтишича, «Спорд» ширкатининг ходимлари 1,5 соатга кўргазмани тарқатишганида, уларга ажратилган кўргазма майдончаси қаровсиз қолиб кетган. Шу сабабдан ўғрилик кеч пайқалди. «Би-би-си» ахборот агентлиги муҳбири Алан Литтлнинг айтишича, олмослар ёйилган пештахта оғоҳлантурувчи



кўнгиракча уланмаган экан. Тошларнинг бири 47 карат бўлиб, 6 млн. еврога баҳоланган. Иккинчиси эса 30 карат бўлиб, 5,5 млн. евро дея эълон қилинган эди.

Умуман, «Лувр» музейи хавфсизлик бўйича юқори ўринда туради. Чунки у ерда Леонардо да Винчининг «Мона Лиза» асари ва бошқа жаҳон санъати дурдоналари сақланади.

Интернет манбалари асосида Сарвар САЙЁР ўғли ва Маҳбуба КАРИМОВА тайёрлади.

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти ректорати ва меҳнат жамоаси муҳтарам устоз Убайдуллоҳон Нарзиевни таваллуд айёмининг 85 йиллиги ҳамда Ўқитувчилар ва мураббийлар куну умумхалқ байрами билан қизгин табриклайди.

Африка давлатлари ҳақида гап кетганида кўпчиликнинг кўз ўнгига дунёдаги энг катта тропик чўл Сахрои Кабир ва Судан саванналари гавдаланади. Бу кўринишни бироз ўзгартириш мақсадида Африка қитъасида жойлашган давлатлар ҳақида умумий маълумот бермоқчимиз. Газетанинг келгуси сонларида эса, у ерда жойлашган мамлакатларга алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

Африка қитъаси катталиги жиҳатидан Осиёдан кейин 2-ўринда туради. Майдони 29,6 миллион км², ороллари билан 30,3 млн. км²дир. Дунёдаги ҳеч қайси материк мустамлакачилик зулми ва қул савдоси бўйича Африкачалик жафо чеккан эмас. XX аср бошига келиб бутун Африка мустамлака материгига айланди ва бу ҳол кўп жиҳатдан унинг қолоқ бўлиб қолишига сабаб бўлди.

Африка худуди шимолдан жанубга 8 минг км.га, ғарбдан шарққа томон эса, энг узоғи билан 7,5 минг км.га чўзилган. Африка мамлакатларнинг кўпи, худудига кўра Европа мамлакатларидан йириқдир. Маса-лан, Африканинг худудига кўра энг катта мамлакати ҳисобланган Суринам (2,5 млн.км²) Франция давлатидан 4,5 баравар катта. Жазоир, Зоир, Ливия, Ангола, Эфиопия, ЖАР ҳам майдонига кўра, Франциядан икки-уч баравар катта. Африканинг деярли ўрта қисмидан экватор чизиги ўтган. Шимолда Ўрта денгиз, ғарбда Атлантика океани, шарқда Ҳинд океани ва Қизил денгиз билан ўралган. 120 км.ли Сувайш бўйини орқали Осиё билан туташган. Европадан Африкани Гибралтар бўғози ажратиб туради.

АҲОЛИСИ

Сизга маълумки, бугунги кунда Африка бутун дунёда аҳоли сонининг энг юксак суратларда ўсиши билан ажралиб туради. Бу кўп жиҳатдан оилаларнинг кўп болали бўлишидек қадимий анъаналар билан боғлиқ. Африкада «Пулсизлик кулфатдир» деган гап бор. Шундай бўлсада қитъада кўпчилик давлатлар фаол демографик сиёсат олиб бормайдилар ва шу сабабли ҳам бу ерда туғилиш энг юқоридир. Кения, Бенин, Уганда, Нигерия, Нигер, Танзанияда туғилиш ҳар бир минг аҳоли бошига 50 тадан ошади. Бу кўрсаткич Европадагидан 4-5 баравар кўп.

Африка ҳозиргача ўлим энг юқори худуд бўлишига қарамай.

Ангола	1246,7	Луанда
Бенин	111,6	Порто-Ново
Ботсвана	581,5	Габороне
Буркин-Фасо	274,0	Уагадугу
Бурунди	26,8	Бужумбура
Габон	258,7	Либревил
Гамбия	10,3	Банжул
Гана	230,5	Аккра
Гвинея	245,8	Конакри
Гвинея-Бисау	28,1	Бисау
Жазоир	2381,0	Жазоир
ЖАР	1221,0	Претория
Жибути	23,0	Жибути
Замбия	743,6	Лусака
Зимбабве	387,0	Хараре

АФРИКА ҚИТЪАСИ

аҳолиси ҳам жуда тез ўсмоқда. Минглаб йиллар давомида Африкада аҳолининг турли этник гуруҳлари таркиб топган. Ҳозирги вақтда -бу қитъа дунё аҳолисининг қарийб 1/10 қисми яшайди. Ирқий таркиби жуда хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Негроидларнинг турли типлари, Сахрои Кабирдан жанубга қараб тарқалган гуруҳлари мавжуд. Шимолий Африкани европоидларнинг жанубига ҳос халқлари эгаллаган. Негроид ва европоидларнинг қадимдан бир-бирлари билан алоқаси натижасида эфиопия ирқ типлари ҳам ташкил топган. Мадагаскар оролида монголоидлар ирқига мансуб аҳоли яшайди.

Африка аҳолиси жуда кўплаб қабила ва миллатлардан таркиб топган. Аҳолининг 42 фоизи мусулмон, 22 фоизи христиан, 36 фоизи маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади.

Африкада аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв. км² га 22 киши тўғри келади. Бу Европа ва Осиёдагига қараганда бир неча баравар кам. Осиёдаги каби Африкада ҳам аҳоли ниҳоятда нотекис тақсимланган. Сахрои Кабирда аҳоли умуман яшамайдиган, дунёдаги энг катта худудлар жойлашган. Нам тропик ўрмонларда ҳам аҳоли сийрак. Бироқ аҳоли зич тарқалган жойлар ҳам бор. Айрим мамлакатларда эса, аҳолининг тарқалишидаги бундай тафовутлар янада каттадир.

Миср мана шундай давлатларга яққол мисолдир. Аҳолининг деярли барчаси (60 миллион киши) Нил дарёси водийсида яшайди, ваҳоланки, бу худуд мамлакат жами майдонининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Бу, ҳар бир км²га 1300-1400 киши тўғри келади, чўл худудидида бир кишидан ҳам озроқ одам яшайди деганидир.

Кабо-Верде	4,033	Прая
Камерун	415,0	Яунде
Кения	569,6	Найроби
Комор ороллари	2,2	Морони
Конго	341,0	Браззавиль
Конго Демократик Республикаси	2267,4	Киншаса
Кот-д'Ивуар	322,4	Ямусуко
Лесото	30,3	Массеру
Либерия	96,4	Монровия
Ливия	1759,5	Триполи
Маврикий	2,0	Порт-Луис
Мавритания	1025,0	Нуакшот
Мадагаскар	581,0	Антананариву
Малави	194,0	Лилонгве
Мали	1220	Бамако
Марокаш	446,5	Работ
Марказий Африка Республикаси	623,0	Банги
Миср Араб Республикаси	995	Қоҳира
Мозамбик	784,0	Мапуту
Намибия	824,3	Виндхук
Нигер	1266,0	Ниамей
Нигерия	910,8	Абужа
Руанда	26,4	Кигали
Сан-Томе ва Принсипи	09,	Сан-Томе
Свазиленд	17,4	Мбабана
Сейшель Ороллари	02	Виктория
Сенегал	192,2	Дакар
Сомали	627,6	Могадисхо
Судан	2375,0	Хартум
Сьерра-Леоне	72,3	Фритаун
Танзания	886,1	Доруссалом
Того	54,6	Ломе
Тунис	155,0	Тунис
Уганда	199,1	Кампала
Чад	1259,0	Нжамена
Экваториал Гвинея	28,0	Малабо
Эритрея	125,0	Асмэра
Эфиопия	976,0	Аддис-Абеба
Ғарбий Сахрои Кабир	367,0	Айюн
Сеуга ва Мелилья (Исп.)	-	-
Реюньон (Фр.)	2,5	Сен-Дени
Сан-Елена о. (Брит.)	0,4	Жеймстаун

СИЁСИЙ БЎЛИНИШИ

Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлака тузумининг емирилиб бориши натижасида ҳозирги замон Африка сиёсий харитаси мутлақо ўзгариб кетган. Аввалги Европа давлатлари мустамлака тизимида бўлган бир қанча давлатлар ўз эркинлигига эришган ва ўнлаб янги давлатлар ташкил топган. Ҳозирги вақтда Африкада 53 та давлат ва Испания, Франция, Буюк Британия мулки бўлган давлатлар жойлашган (жадвалга қаранг).

Давлатлар	Майдони (минг км ²)	Пойтахти
-----------	---------------------------------	----------

ХЎЖАЛИГИ

Африка мамлакатлари мустақилликка эришгач асрий қолоқликдан чиқиб олиш учун ҳаракат қила бошладилар. Табиий ресурсларни давлат ихтиёрига ўтказиш, аграр реформани амалга ошириш, иқтисодий этни режалаштириш, миллий кадрларни тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунинг натижасида ривожланиш суратлари жадаллашди. Хўжаликнинг тармоқлар ва худудий структурасини қайта қуриш бошланди. Бу йўлда тоғ-кон саноатида энг катта муваффақиятларга эришилди. Ҳозирги кунда кўплаб турли илм фойдали қазилма-

Dunyo mamlakatlari

ларни қазиб олишда. Африка хорижий дунёда муҳим, баъзан етакчи ўрнини тутади. Қазиб олинмаган ёқилги ва хомашёнинг асосий қисми жаҳон бозорига чиқарилиши сабабли айнан тоғ-кон саноати, биринчи навбатда, Африканинг халқаро географик меҳнат тақсимотидаги ўрнини белгилайди.

Африканинг жаҳон хўжалигидаги ўрнини белгилувчи иккинчи тармоқ тропик ва субтропик деҳқончиликдир. Умуман олганда бу худуд ўз ривожланишида ҳали жуда орқададир. У дунёнинг бошқа худудлари орасида индустриаллаштириш суръатлари, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги жиҳатидан охириги ўринда туради.

Бундай дейишимизга сабаб, кўпчилик мамлакатларда ҳамон хўжалик тармоқлари структурасининг мустамлакачилик шакли сақланиб қолаётганлигидадир.

Африкада хилма-хил фойдали қазилмалар бор. Кўплари дунёдаги энг катта конлардир. ЖАР Свазиленд ва Зимбабведа Хризотил-ас-бест конлари, дунёдаги Уран аралаш энг бой олтин конлари, Зимбабведа хранил ва олтин конлари, Гвинеяда боксит конлари, Ганада марганец рудаси, боксит ва олтин конлари, Конгода кумуш, Нигерияда кумуш ва колумбит, Мадагаскар оролида графит конлари бор. Марказий Африканинг мис минтақаси кембрий даврида ҳосил бўлган жинслар орасида, Замбияда кўп учрайди. Бу ерда мис билан биргаликда кобальт, уран, рух, Намибияда ванадий, бериллий ва литий конлари, Марокашда кобальт ва полиметал конлари бор. Булардан ташқари Мисргача чўзилган кенг майдонда фосфорит, Марокашда марганец рудаси, Марокаш, Жазоир ва Тунисда темир, кўрғошин, рух конлари мавжуд.

ИҚЛИМИ

Экватор чизиги материкни тенг икки қисмга бўлиб турганлиги учун Африканинг экватордан шимолий ва жануб то-



қисмлари бир хил иқлим минтақаларига эга.

Экватор иқлими зонасидан кейин экватор муссон иқлими, тропик ва субтропик иқлим зоналари келади. Экватордан шимол ва жануб томонда йил фасллари бир-бирига тесқаридир. Яъни шимолда ёз бўлганда жанубда қиш бўлади ва аксинча.

Жанубий ярим шарда ёзда ойлик ўртача 30° дан ортқ бўлганда, шимолий қисмида пасайиб 10°, 25 га тушади.

Африкадаги Триполи шаҳри (Ливия) яқинида ер юзасидаги энг юқори ҳарорат 58° кайд қилинган.

Африка дарёларининг географик тақсимланиши ҳам, серсувлиги ҳам турлича. Атлантика океанига Конго — Африкадаги энг серсув ва узунлиги жиҳатидан иккинчи ўриндаги дарё, Нигер, Оранж дарёлари қуйилади. Ҳинд океанига қуйиладиган дарёлардан энг каттаси Замбези (2660км). Урта денгизга асосан Нил (Африкадаги энг узун дарё 6671 км) қуйилади. Африка майдонининг 1/3 қисмидан кўпроги ички сув ҳавзаларидир. Бу ерларда сернам мавсумлардагина сув оқади. Катта дарёлар турли хил иқлимли ўлкалардан оқиб ўтади.

Африканинг тарихига ҳам бир назар солсак. Шимолий Африка қирғоқлари милоддан аввалги 2 асрдан бошлаб мисрликларга маълум бўлган.

Милодгача бўлган 6 асрда қитъа қирғоқлари бўйлаб финикияликлар сузиб чиққанлар.

Милод бошларида индонезияликлар Мадагаскар оролини кашф этиб, унинг шарқий қирғоқларини эгалладилар. Араблар ўрта асрда шимолий Африкани эгаллаб бўлгач, унинг шарқий қисмига борганлар.

Африканинг ғарбий қирғоқлари португалларнинг Ҳиндистонга борувчи денгиз йўлларини қидириш вақтларидан маълум бўлган.

1443-1444 йилларда Н.Триштан Мавритания қирғоқларини кашф этди. Шу даврдан бошлаб қул сотиш савдоси бошланди. Бутун Африкадан олиб кетилган қуллар дунёга тарихдайд сочилиб кетди. Африкадаги давлатларнинг бошқа қирраларига газетанинг келгуси сонларида тўхталиб ўтамиз.

Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

Хозирда Республикамиз демократияга юз тутганини бутун жаҳон тан олмакда. Демократиянинг асосий негизини қонунлар ташкил қилиши ҳаммага аён. Қонунлар ижроси текшириб турилмас экан, унинг аҳамияти чиппака чиқаверади ёки хўжа-кўрсинга амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг ижросини Янгийўл шаҳрида текшириш учун масъул ходимлар гуруҳи тузилди.

Хозирда Янгийўл шаҳар Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси Тошкент вилоят ТМЭ хизмати бош эксперти томонидан 2004 йил 2 январда тасдиқланган режа асосида иш олиб бормоқда. Мазкур иш режасининг 6-бандига асосан вояга етмаганлар масалалари бўйича вазифа юклатилган.

Бугунги кунда Янгийўл шаҳар Тиббий меҳнат экспертиза комиссиясида 13 нафар 16-18 ёшдаги ногиронлар рўйхатда туради. Даставвал уларнинг тиббий эксперт хужжатлари ўрганиб чиқилганда, ногиронлик гуруҳи сабабини белгилашда хато ва камчиликлар аниқланмади. 16-18 ёшгача ногиронларнинг 2 нафари 1- гуруҳ, 7 нафари 2-гуруҳ, 4 нафари 3-гуруҳ ногирони эканлиги қайд этилган.

2003 йил давомида жами 112 нафар, 2004 йил 1-чоракда 29 нафар ногиронларга яқка тартибдаги реабилитация дастури (ЯТРД) тузилган.

Шулардан 5 нафарини 16-18 ёшгача бўлган вояга етмаган ногиронлар ташкил этади. Ҳар оининг охирига ҳафтасида поликлиникаларга чақирилиб, тузилган ЯТРД бажарилиши мониторинг қилинган. Ўтказилган мониторинг кузатуви тўғрисида даволаномалар тузилган.

Вояга етмаган ногиронларнинг 13 нафарига касб эгаллашига ёрдамлашиш мақса-

дида ўқишга тавсия берилган, улардан 4 нафари ўқишга жойлашган.

Худуддаги ногиронлик аҳволи, унинг сабаблари чорак якуналари бўйича таҳлил қилиниб, ҳокимият, соғлиқни сақлаш бўлимларига хулоса, таклифлар киритилган бўлсада, мазкур таҳлилларда вояга етмаганлар орасидаги ногиронлик аҳволи ва унинг сабаблари тўлиқ ёритилмагани аниқланди. Бу ерда аҳоли ўртасида сил касалликларига оқибатида бирламчи ногиронлик 2002 йилга нисбатан 2003 йилда 13 фоизга ортганлиги сабаблари тўғрисида 2004 йил 14 январда ҳокимият ва соғлиқни сақлаш муас-

эса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий таъминот вазирликларининг 2000 йил 4 майдаги 234/42 сонли қўшма буйруғи 1.1. бандига асосан ижтимоий таъминот бўлими томонидан 16 ёшгача бўлган ногиронларга ижтимоий нафақа тайинлашда касалликлар сабаби, нафақа тайинлаш ҳуқуқини берувчи рўйхатда қайд этилган касалликларга тўлиқ мос келиши таъминланмаганлиги маълум бўлиб қолди.

Масалан, Сергей Резановга 2-йил, Азамат Ниязовга 8 ой кўп нотўғри нафақа белгиланган. Бу Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 1993 йил

нинг оилавий аҳволи ўрганиб чиқилди. Бунинг натижасида 5 та ҳолатда 16 ёшгача ногиронлик нафақаси белгилаш лозимлиги қайта кўрилди. Бу ҳолат вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мутахассислари томонидан тасдиқланди. Булардан ташқари текширув чоғида яна шулар аниқландики, 234/42-сонли буйруқнинг 1.2 бандига асосан 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга ижтимоий нафақа тайинлаш ҳуқуқини берувчи хужжатларни расмийлаштириш масаласида соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари билан йилда икки марта ўтказилиши керак бўлган ўқув семинарлари 2002-2003

Qonun va ijro

сан ногирон болаларни уйларида шифокор ва ҳамширалар томонидан систематик патронаж қилиш ишлари етарли ташкиллаштирилмаган ва мазкур буйруқнинг 1.1. банди талабларига асосан «16 ёшгача болалар ўртасида ногиронликни ўз вақтида аниқлаш» вазифаси бажарилмаганлиги сабабли айрим ногиронларга қайта ногиронлик хулосалари кечикиб белгиланиб, манфаатларига моддий зиён етказилган.

Шундай 17 та ҳолат аниқланиб, 869.161 сўм нафақа-хўрларга етиб бормаганлиги маълум бўлди.

Текшириш давомида бугунги кунда 16 нафар болаларни ногиронлик муддати тугаб, соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан қайта кўрик ўтказиш чоралари кўрилмаганлиги аниқланди.

Ушбу текширув якунида шаҳар марказий шифохонаси тиббий маслаҳат комиссияси мансабдор шахслари томонидан 20 нафар туғма ногирон болалар 909,126 сўм миқдоридаги нафақаларини белгиланган муддатда, ногиронлик хулосаси берилмаганлиги оқибатида олмасдан моддий зарар кўрганлиги бўйича шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши кўзга тутилди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундай ҳолатларни юзага келтирган мутасаддилар ҳатти-ҳаракатига нима деб изоҳ беришга ҳам ҳайрон қолади киши.

Вояга етмаган ногиронларнинг ижтимоий ҳаётига бевъатибор кишиларга қандай баҳо бериш мумкин?

Муҳиддин КУБАЕВ,
Янгийўл шаҳар
прокурорининг
катта ёрдамчиси, адлия
кичик маслаҳатчиси,
Шерзод АХМАТОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАР

Хўжакўрсинга бажарилмасин!

сасасига хулоса ва таклифлар киритилди.

Аҳоли ўртасида ТМЭК ва ногиронлик масалаларида умуман тушунтириш ишлари олиб борилмаган.

ТМЭК томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларида белгиланган 16 ёшгача бўлган ногиронларнинг хужжатларини расмийлаштириш тартиби ҳам ўрганиб чиқилди.

2003 йил жами 16 ёшгача 154 нафар ногиронлик ўрганилган. Улардан 50 нафари назоратга олиб, кўрилган. Натижаларга кўра барча ногиронлик хулосаси тўғри деб топилди, 25 ҳолатда 16.2 фоиз хато ва камчиликлар аниқланган.

Ижтимоий таъминот бўлимида 16 ёшгача ногиронлик хулосалари текширилганда

31 декабрдаги 678-сонли буйруғи билан тасдиқланган 16 ёшгача бўлган болаларда ногиронликни аниқлаш ва нафақа тўлаш бўйича тиббий кўрсатма рўйхатига тўғри келмайди.

ССВнинг ушбу буйруғи 3-бўлимида кўрсатилган икки йил кузатувдан сўнг 16 ёшгача нафақа тайинлаш керак бўлган 5 нафар ногирон болала нафақа тайинланмаган.

Янгийўл шаҳар прокуратураси ходимлари, Тошкент вилояти марказий Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси эксперт жарроҳи О.Мусаева, Янгийўл шаҳар Бош педиатри, ТМК раиси С.Жумабоева, Янгийўл шаҳар Болалар поликлиникаси мудираси М.Долимова бошчилигида 9 нафар ногирон болалар-

йиллар давомида бирор марта ҳам ўтказилмаган.

Ижтимоий таъминот бўлимига соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан тақдим этилган 16 ёшгача бўлган ногиронлик хулосаларида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 678-сонли буйруғи талабларига асосан ногиронлик муддатлари асосланмаган ҳолда узоқ даврга белгиланиб, ногирон болалардан йилма-йил асосиз қайта хулоса олишларига сабаб бўлганлар.

ССВнинг 31.12.93 йилдаги 678-сонли «16 ёшгача болаларга ногиронлик белгилаш тартиби ва ногирон болаларга тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирларини янада яхшилаш тўғрисида»ги буйруғининг 1.3. бандига асо-

ОГОҲЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Одамлар қалбига ваҳима солиш, зўравонлик орқали уларни тинч фаолиятдан — ўқиш, ишлаш, Ватан келажаги учун меҳнат қилишдан чалғитишга уриниш ваҳший, манфур, қиёфасиз кимсалар, яъни, террорчиларнинг асосий мақсадидир. Шу йил баҳори ҳамда ёзида мамлакатимизда, яқиндагина Россиянинг Шимолий Осетия ўлкасида юз берган хунрезликлар ҳам шу мақсадда амалга оширилгани, шубҳасиздир.

Ушбу воқеалар фуқароларимизнинг янада хушёр, огоҳ бўлишлари лозимлигини бугун яна бир бор эслатди.

Шу ўринда бир савол юзага чиқади. Хўш, ёвузликнинг илдизи қаерда? Манфур тўдаларга қўшилиб қолган ёшлар кимларнинг фарзанди? Улар ушбу ноинсоний гуруҳларга қўшилганича нима иш билан шуғулланганлар? Ўрта мактабни тугатганларидан сўнг бирон бир фойдали фаолият билан машғул бўлганларми?

Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида бир жинорий ишга қисқача назар ташлайлик.

В.Ким, Э.Акимов ва В.Лигаининг ҳар учаласи ҳам 1984 йилда туғилган. Бу «уч оғайни ботирлар» 2003 йилнинг 6 октябрь куни тунда «ов»га чиқашади. «Ёшлик» метроси ёнида уларнинг «тўрига «Жигули» автомашинасини ҳайдаб келаётган

Ma'rifatsiz kishilar

М.Х.тушади. Йигитчалар ундан Акмал Икромов туман ҳокимияти биноси ёнигача олиб боришини илтимос қилишади. Ҳокимият биносига яқинлашганларида В.Лигаи ва В.Ким ҳайдовчига пичок ва спорт тўппончасини тираб, «Ватан» кинотеатри томонга ҳайдашни буюришади. Белгиланган манзилга етиб боргач, безорилар М.Х.ни машинадан тушириб, «Жигули»ни олиб қочадилар.

Албатта, тезкор чоралар кўрилиб, жиноятчилар тезда қўлга олинди. Улар

устидан суд ҳукми ўқилиб, тегишли жазо белгиланди. Аммо, кишини бир жиҳат ўйлантиради.

Бу ўсмирлар тунги соат бирда кўчада нима қилиб юрибди? Уларнинг ота-оналари, қолаверса, кўни-кўшни, маҳалла-кўй ёшларнинг бундай қадам қўяётганлигидан нега хабарсиз? Болалар мактабни тугатгандан сўнг нега ҳеч қаерда ўқимай ёки ишламай юрибди? Улар қўлига спорт тўппончаси, совуқ қуроллар қандай тушиб қолди?

Кўринаяптики, ҳаммасининг илдизи лоқайдликка бориб тақалаяпти. Ота-она, маҳалла-кўй, жамоатчилик бу борада янада фаол, огоҳ бўлиши лозимлигини давр тақозо қилмоқда. Ана шундагина юқоридаги ҳолатга ўхшаш хунук воқеаларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Баҳодир МАСАИДОВ,
Акмал Икромов туман
прокурори ўринбосари

Кексаларимиз доимо дуога қўл оцаётиб: «Ўт балосидан, сув балосидан асрасин» деган ниятни айтишади. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Юнусобод тумани худудида 165 та ёнгин ҳодисаси содир бўлиб, ушбу кўнгилсизликдан 835382 сўм зарар кўрилди. Содир бўлган ёнгинларда 2 киши ҳалок бўлиб, 2 нафари эса турли хилдаги тан жароҳати олди. Очиқ майдонлардаги қуриган ўт-ўланлар, шох-шаббалар ва маиший чиқиндиларнинг ёниши натижасида 93 та

Ogohlik

ёнган. Ёнгин болаларнинг олов ўйнаши натижасида келиб чиққан.

26 август куни эса, Ш.Қозоқбоев кўчасидаги очиқ майдонда 200 кв. метр майдонда қуриган ўт-ўланлар ёнган. Сигарет чекишдаги эҳтиётсизлик оқибатида ушбу кўнгилсизлик рўй берган.

29 август куни ТошГРЭС мавзеси, 16-уй ёнидаги 50 кв. метр худудда

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

ёнгин содир бўлган. Бу ёнгинларнинг келиб чиқиш сабабининг аксарияти ёш болаларнинг олов билан ўйнаши ёки катталарнинг лоқайдлиги туфайли сигарет қолдигини дуч келган жойга ташлаб кетишидир. Бунга мисол қилиб қуйидаги ёнгин ҳодисаларини кўрсатиш мумкин.

Шу йилнинг 2 июль куни Муртазоев кўчасидаги астрономия институти ёнидаги очиқ майдонда қуриган шох-шабба ёниб кетган. Ёнгиннинг сабаби, сигарет чекишдаги эҳтиётсизлик бўлган.

9 август куни Юнусобод 4-даҳа, 48-уй олдидаги очиқ майдонда 50 кв. метр майдонда қуриган ўт-ўланлар

қуриган шох-шаббалар ёнган. Бу ёнгиннинг ҳам сабаби болаларнинг олов билан ўйнаши бўлган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ана шундай ҳолатлар қайтарилмаслиги ва унинг олдини олиш учун юртдошларимизга шуни айтиш керакки, имкониятлари борича ёнгин хавфсизлиги чораларини кўриш лозим. Ёш болалар уйда ёлғиз қолдирилмаслиги, гугурт ўйнашларига йўл қўйилмаслиги ва болалар бўш вақтларида бирор-бир унумли иш билан машғул қилиб қўйилиши зарур.

Фурқат ТУРСУНОВ,
Юнусобод тумани ЁХБ
инспектори

СПОРТДА ҲАМ ИЛҒОР БЎЛИШДИ

Спорт инсонни камолотга етказиши, ҳар томонлама баркамол қилиб шакллантириши рост гап. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг, болаларнинг спорт билан шуғулланишига катта эътибор берилмоқда. Давлатимиз, ҳукуватимиз томонидан амалга оширилаётган катта ислохотларнинг ўз натижасини кўрсатаётганлиги ҳам юртимизда вояга етаётган ёш спортчининг келгусида янада катта натижаларга эришишидан далолат беради.

Бу мақсадни амалга оширишда эса, айниқса, ёшларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчи-мураббийларнинг ёрдамлари катта бўлади. Мана эрта-индин 1 октябрь — Устоз ва мураббийлар кун, уларнинг касб байрамлари. Бу байрам барчамиз учун қутлуғ санага айланган. Чунки врачни ҳам, инженерни ҳам, архитектору шоирни ҳам — ҳамма-ҳаммани аввало ўқитувчилар тарбиялаган. Барча кишиларга ҳам энг аввало устози кўлига қалам тутиб, ёзишни



ҳамда ҳарфларни ипга мунчоқ тергандек қўшиб ўқишни ўргатган. Ана шундай муқаддас санага бағишлаб, юртимизда байрамлару тадбирлар бошлаб юборилди. Айниқса, бу йилги ўтказилаётган байрам тадбирлари аввалгиларидан фарқи бўлмоқда. Сабаби, бу йил байрам тадбирларига устоз-мураббийлар ўртасида ўтказилаётган турли спорт турлари бўйича мусобақалар, беллашувлар ҳам уйғунлашиб кетди. Машаққатли, масъулиятли, шу билан бирга шарафли касб эгалари ушбу беллашув-

лар давомида озгина бўлса-да, чарчокларини чиқариб, турмуш ташвишларидан чалғишларига ушбу мусобақалар ёрдам беради. Спорт билан шуғулланиш устозларнинг бундан кейинги фаолиятига, ўтиллажак дарсларига ҳам ўз ижобий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Спорт билан ошно муаллим ўзининг ташқи ҳамда руҳий ўрналиги билан ҳар бир ўқувчиси қалбига чуқур из қолдиради. Ўз-ўзидан мурғак қалб эгаси ҳам ўз ўқитувчиси каби ҳар томонлама етук, билимдон, баркамол бўлишни истаб, шунга интилади.

Кунга кеча Миробод туманидаги 110-умумий ўрта таълим мактабида устоз-мураббийлар, халқ таълими ходимлари ўртасида бўлиб ўтган сузиш бўйича спорт мусобақаларида юқоридаги фикрлар яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил қилинган мазкур мусобақа жуда қизиқарли тарзда ўтди. Ўқитувчилар, мактаб директорлари, спорт мураббийлари, ХТВ, Тошкент шаҳар ХТВБ вакиллари — халқ таълими ходимларидан жами 28 нафар киши беллашувларда иштирок этди. Дастлаб 50 метргача эркин сузиш мусобақасида қирқ ёшгача бўлган иштирокчилар қатнашдилар. Натижалар эса қуйидагича:

I. П.Лозин — Миробод, 12-БЎСМ (28,8)

II. А.Норқобилов — ХТВ ходими (34,0)

III. Д.Пўлатов — Ҳамза тумани, мураббий (34,4)

Сузининг шу тури бўйича 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган муаллим-спортчиларнинг сувдаги маҳорати қуйидагича баҳоланди:

I. О. Лысенко — Миробод, 12-БЎСМ (29,6)

II Р.Зародов — Яккасарой, 160-мактаб тренери (32,5)

III М.Алимов — А.Икромов тумани (33,4)

Мусобақанинг учинчи қисмида эстафетали сузиш беллашуви ўтказилиб, унда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси жамоаси биринчи ўринни, Халқ таълими вазирлиги жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Туманлар ХТВ терма жамоаси эса, учинчилиқни қўлга киритди. Шунингдек, ушбу мусобақада В. Коротков, М. Алимов ва Т. Назаров каби фахрий педагог-мураббийларнинг иштироки ҳам ёш ўқитувчиларга янада илҳом бағишлади. Уларга соғлиқ-саломатлик, бундан кейинги фаолиятларида ҳам ёш педагогларга ўрнак бўлиб юришларини тила-

Bayram tadbirlari

ган ҳолда алоҳида эсдалик совғалари топширилди. Ғолибларга "Ёшлик" КСЖ Марказий Кенгашининг I-II-III-даражали дипломлари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

НОДИРАНИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

Устоз ва мураббийлар байрамига бағишлаб ўтказилаётган спорт мусобақаларининг шахмат-шашка тури бўйича беллашувлар пойтахтдаги 41-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада Тошкент шаҳридаги барча ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия бераётган, спортга ихлосманд ўқитувчи-мураббийлар иштирок этдилар.

Қизгин беллашувларга бой бўлган мусобақалар жараёнида устозлар ўзларининг билим даражаси ва педагогик маҳорати билан биргаликда спорт борасида, хусу-

сан, шахмат-шашкада ҳам иштиёқи баланд эканлигини намоён қилдилар. Ҳар бир иштирокчи ўзининг бор имкониятини ишга солган ҳолда мусобақага киришди. Мурасасиз кечган беллашувлар натижасида шашка тури бўйича Шайхонтохур туманининг 20-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, "Ўқитувчи—2004" кўрик-танловининг шаҳар босқичи ғолиби



Нодира Йўлдошева биринчилиқ соҳиби бўлди.

— Бугунги беллашувларда ғолиб чиққанимдан жуда хурсандман. Финал босқичида ҳамкасбим Хосият Юсупова билан бўлган ўйин анча оғир кечди. Рақибим ҳам анча кучли экан. Болалигимда, бўш вақтларимдагина шашка ўйнаб турардим. Қаранг, спорт ҳар доим ҳам кишининг ҳамроҳи бўлар экан. Ўқитувчилар ўртасида бундай спорт беллашувларининг ўтказилиб туриши жуда катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман, — деди Нодира мамнуният билан.

Мусобақа иштирокчилари ва ғолибларига шаҳар ХТВБ томонидан фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Бундай беллашувлар мураббийларнинг касб байрамлари янада эса қоларли ўтишини таъминламоқда.

Назкат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Суратларда: Мусобақалардан лавҳалар.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.

Яхши, билимдон кишилардан ажраб қолиш ҳаммиша ҳам оғир. Аммо чинакам, бетакрор олимдан жудо бўлиш изтиробининг ёр-дўстлари, ҳамкасблари, қариндош-уруғлари учунгина эмас, балки бутун халқ учун ҳам катта йўқотишдир.

Бегали Қосимовнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитганимда, юрагимнинг бир томири узилиб кетгандек бўлди. Чунки у билан сўнги ўттиз беш йил ичида бир кафедрада хизмат қилдик, охириги ўн йил мобайнида эса, Бегали ўзи ташкил этган ва Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар кафедралари орасида биринчи ўрин-



Xotira

лик меҳнатини "Миллий тикланиш" номли монографияга жамлаб, шўролар даврида қатағон қилинган, таҳқирланган, халқ ёдидан чиқаришга роса уринилган 100 дан ортиқ ижодкорни ёруғ юз билан эл-юртга қайтарди. Мактабларнинг 5-, 7-, 9-, 10-синфлари учун дарсликлардан ташқари кафедра аъзоларига бошчилиқ қилиб, миллий уйғонши даври адабиётидан олий ўқув юртлари учун 30 босма табоқдан иборат дарслик ҳам тайёрлашга муваффақ бўлди. У ҳамма масалада ниҳо-

БЕТАКРОР ОЛИМ ЭДИ...

га кўтарган "Миллий уйғонши даври ўзбек адабиёти" кафедрасида ёнма-ён ишладик. Иш жараёнида ҳар хил вазият, баъзан асабий ҳолатлар рўй бериши табиий ҳол. Бироқ бутун шу давр ичида Бегали билан бир-бир марта бир-биримизга қош чимириб гаплашганимни эслолмайман.

Бегали ўз соҳасининг бармоқ билан санарли йирик мутахассисларидан эди. У ўзбек адабиёти тарихида энг мураккаб давр саналмиш Миллий уйғонши даврига қирқ йилдан ортиқ умрини бағишлади ва бу соҳада бошқа ҳамкасблари эгаллай олмаган юксак чўққиларга кўтарилди. Пайғамбар ёшида ҳаммани доғда қолдириб кетган бу олимнинг ибратли ишлари кўп эди. Бегали 30 дан ортиқ йирик монографиялар, фундаментал дарслик ва

қўлланмалар яратгани маълум. Бир зарурат билан улар ҳақида ёзганида, хокисорлик билан бирварақайига ҳаммасини "рисолалар" деб атайди. Бегали Туркиянинг машҳур Камол Отатурк маданият марказининг фахрий аъзолигига сайланиб, ўша мамлакат президенти томонидан шу ҳақдаги диплом топширилганини биз халқаро телекўрсатувларни томоша қилиш вақтида тасодифан билиб қолганмиз. Бегалининг асарлари дунёнинг уч қитъасидаги ўн бир мамлакатда босилиб чиққанини биз ахён-ахён унинг йиллик ёзма ҳисоботларидан билиб қолардик.

Унинг шиори кечаю кундуз тиним билмай ишлаш эди, ўзини асло аямас, қўлидаги бой хазинани имкони борича шитоб билан халққа етказиш иштиёқида ёниб яшарди. У қирқ йил-

ятда жиддий, касбига мислсиз фидойи эди. Ўтган йили унинг бир кўзи хиралашиб, врачлар операция қилдириши лозимлигини айтишди. Операцияга ётиш учун соат 11 гача касалхонага етиб бориши керак бўлган Бегали эрталаб 9 да факультетга келиб, талабаларга маъруза ўқиб, соат 10 яримда шифохонага жўнаганини кўриб, ҳамма ҳайратга тушган эди. Қалтис операцияга жўнаётган Бегалининг кўнглига маъруза сифоши яна бир карра унинг фидойилигидан далолат берган эди.

Олим қолдирган бой мерос яна кўп замонлар илм ривожига хизмат қилишига, кўплаб миннатдор шогирдлари унинг изланишларини давом эттиришига ишонамиз.

Аллоҳ мағфират қилсин уни.
Шариф ЮСУПОВ,
ЎЗМУ профессори

Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Республика ўқув-методика Марказида 2004 йилнинг октябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари курси 2-29 октябрь. (24 кунлик)
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари курси 2-29 октябрь. (24 кунлик)
3. Боғча-мактаб мажмуаси мудиралари курси 2-29 октябрь. (24 кунлик)
4. Мактабгача таълим муассасаси ХТВ услубчилари курси 4-16 октябрь. (12 кунлик)

Эслатмалар:

1. Тингловчилар Марказининг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машгулотлар Республикадаги таниқли олимлар, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади.
2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари лозим.
3. Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Республика ўқув-методика маркази ҳисобидан тўланади.

Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.

Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор **Бегали ҚОСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати ва жамоат ташкилотлари магистратура бўлими бошлиғи Дилшодбек Эргашевга онаси **Тошбуви аянинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси институтнинг Педагогика, психология ва менежмент кафедраси катта ўқитувчиси Рихси Алматовга онаси

Турсуной ая АЛМАТОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Qatra

Болалигим, о, пошшолгим, сени шилдираб оқайтган сойга ўхшатаман, чунки жуда тез, шўх оқиб кетасан, аммо бугунги кунга қайтиб келмайсан. Сени тоғ чўққисидаги гўбор кўнмаган оппоқ қорга ўхшатаман, сен ҳали ёзилмаган оппоқ қоғозсан, дунёда энг покиза нарсалар борки, қалбингни қиёслайман. Қалбинг беғубор орзуларга лиммо-лим, сенинг ўз дунёинг бор, буни ҳамма ҳам тушунавермайди.

Нега йиғлаясан, жажжи қалбинг нимадан озор чекди, сен авайлаб ўстираётган гулнинг баргини ким узипти? Ҳа, тушундим, сен бу гулни мактабга борга-

**БОЛАЛАР
ДУНЁСИ**

нингда синфингга олиб борасан, сени у ерда биринчи ўқитувчинг, меҳри дарё устозинг кутиб олади. Бугун қувончинг чексиз, биринчи синфга бординг, авайлаб ҳар кун сумкангни бир кўтариб, ичига китоб-дафтарларингни солиб, қачон ўша кун келаркан, деб кутган кун келди. Мана, ўша сумканг, бугун илк бор Мустақиллик дарсини ўқидинг. Сенинг дунёинг жуда кенг, унда фақат гуллар унади, қувончларга тўла дунё, унда гўбор йўқ, шундайин тиниқки, ҳамма ҳам сенинг оламингга киришга ҳавас қилади. Мана, бувижонинг пешонангдан силаб, кўзларига суртдилар: «Шу боламдек беғам қилгин, беғубор қилгин» деб. Аммо биз улгайдик, сенинг оламингда бироз бўлиш, оҳ қанчалик соз. Бугундан бошлаб яна сенинг бир янги оламинг, жонажон мактабинг бор, меҳрибон устозинг сени тушунди, авайлаб ўстирган гулингни синф деразасига қўйди, меҳр туфайли гулинг чиройли бўлиб очилди. Энди сенинг синфдош дўстларинг, гўбори йўқ қорақўзлар бор. Сенинг дунёинг жуда кенг, оламинг ранг-баранг. Узингни ҳам нозик бир гулга қиёс қиламан, асло сўлмагин, доимо яшаиб тур, болажон!

Саломатхон ҲАСАНОВА

«ИШОНЧ»

1. 2004 йилги шахмат бўйича жаҳон чемпиони.
2. «Ўзбегим» қасидаси муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири.
3. Муайян мамлакатдаги пул бирлиги.
4. Ўзбек аёлларидан чиққан биринчи тарихчи олима.
5. Бокс бўйича жаҳон чемпиони.
6. Бухоро вилоятидаги туман.
7. Ўзбек энгил автомашинаси.
8. Ўзбекистон мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони.
9. Ёшларнинг ҳарбий газетаси.
10. Кулолчилик тараққий этган туман.
11. Гуллар шаҳри.
12. Сирдарё ирмоғи.

**ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ, КУТУБХОНАЧИЛАР
ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!****"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан 2004-2005 ўқув йили учун куйидаги дарсликлар чоп этилди:****Ўзбек мактаблари учун:**

1. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 2-синф 638 сўм
2. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 3-синф 693 сўм
3. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 4-синф 777 сўм
4. Конституция оламига саёҳат 5-синф 564 сўм
5. Конституция оламига саёҳат 6-синф 680 сўм
6. Жаҳон тарихи 7-синф 1788 сўм
7. Геометрия 7-синф 820 сўм
8. Ўзбекистон тарихи 8-синф 1166 сўм
9. Чизмачилик 9-синф 688 сўм
10. Конституциявий ҳуқуқ асослари 9-синф 725 сўм
11. Жаҳон тарихи (кирилл) 10-синф 1420 сўм
12. Хидоят "Жаҳон тарихи" 10-синф 1572 сўм
13. Ҳуқуқшунослик 10-синф 1561 сўм
14. Умумий биология 10-синф 1220 сўм
15. Ўзбекистон тарихи 10-синф 1819 сўм
16. "Ҳуқуқшунослик" (кирилл) 10-11 синф 1515 сўм
17. Умумий биология (кирилл) 10-11 синф 1596 сўм
18. Жаҳон тарихи 11-синф 1760 сўм
19. Ўзбекистон тарихи 11-синф 1750 сўм
20. Ҳуқуқшунослик 11-синф 855 сўм
21. Умумий биология 11-синф 898 сўм.

Рус мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Азбука конституции" 2-класс 777 сўм.
2. В.Костецкий "Азбука конституции" 3-класс 777 сўм.
3. В.Костецкий "Азбука конституции" 4-класс 777 сўм.
4. С.Зинин и др. "Русский язык" 5-класс 1015 сўм.
5. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 5-класс 497 сўм.
6. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 6-класс 879 сўм.
7. С.Зинин и др. "Русский язык" 6 класс 1045 сўм
8. А.Сагдуллаев "История Узбекистана" 6 класс 890 сўм
9. Литература 6-класс 2420 сўм.
10. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 7-класс 495 сўм.
11. Русский язык 8-класс 605 сўм.
12. История Узбекистана 8-класс 1166 сўм.
13. Основы конституционного права 9-класс 1206 сўм.
14. Общая биология 10-11 класс 1596 сўм
15. Русский язык 10-11 класс 1000 сўм.
16. Коллектив "Правоведение" 10-11 класс 1829 сўм.
17. Г.Хидоят "Всемирная история" 10 класс 1420 сўм.
18. История Узбекистана 10-класс 965 сўм.
19. Всемирная история 11-класс 1075 сўм.
20. История Узбекистана 11-класс 1170 сўм.


Диққат! Диққат! "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси яқин кунларда 6-синф учун тарих дарслигини илк маротаба лотин алифбосида ҳамда химия (7-синф), география (6-синф), география (8-синф) дарсликларини ўзбек ва рус тилларида чоп этади.

Дарсликлар тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ҳам мавжуд. Сиз ушбу дарсликларни ҳамда бадий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги, шунингдек, болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китобларни "Шарқ зиёкори" китоб дўкони ва унинг вилоятлардаги филиаллари орқали чекланмаган миқдорда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи харид қилишингиз мумкин. Улгуржи хариддорларга чегирма (скидка) берилади.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26, "Шарқ зиёкори" китоб дўкони (мўлжал: Алишер Навоий номидаги театр), тел: 133-58-72, 133-35-90

Вилоятларда:

Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси 11-уй, тел: 22-37-596
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси (Оқ бозор биноси), тел: 226-42-93.
Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 71. тел: 25-38-93.
Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: 33-23-8-68.
Наманган шаҳри, Ахси кўчаси, (Сардоба бозори ёнида) тел: 6-48-31.
Хива шаҳри, Қўриқхона "Ичан-Қалъа", тел: 5-36-52.
Навоий шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 14, тел: 223-01-30.
Қарши шаҳри, 7-микрорайон, 9-уй, тел: 227-66-44.
Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи, Навоий кўчаси, 1, тел: 92-942.
Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги "Илм шуъласи" ОАЖ бозори.

Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг! Нархлар сизни қаноатлантиради!**ЧАЙНВОРДИ**

13. Талантли ижодкорлар танлови.
14. Хоразмча ракс.
15. Касаба уюшмалар газетаси.
16. Трамплиндан сакраш бўйича машхур спортчи аёл.
17. Ўзбек миллий халқ оғзаки ижоди.
18. Мархум Ўзбекистон халқ ёзувчиси, драматург.
19. Беш вақт фарз.
20. Республикамиздаги водий.
21. Миллий баҳор байрами.
22. Иқтидорли ёш ижодкор қизлар танлови мукофоти.
23. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган вокал-чолғу ансамбли.
24. Мурунтовни кашф этган ўзбек геолог олими.
25. Фафур Фулом шеъри.

Тузувчи: Турсунали ФАНИЕВ

Xullas...**КЎЙЛАР УЧУН
САЛОН**

Машхур «Романов кўйлари» Тугаев шаҳрининг фахр-ифтихори ҳисобланади. Август ойининг яқшанбаларидан бирида бу ерда ушбу кўйнинг жунини қирқиш бўйича сартарошлар мусобақаси ўтказилди. Мусобақа шартли шуки, фермалардан келтирилган кўйлари тез, сифатли ва чўчитмай, озор бермай жунини қирқиш лозим эди.

Ғолиб деб Екатерина Королькова топилди. У «Романов кўйлари»дан бирини 2 минуту 42 дақиқада тайёр ҳолга келтирди.

Ҳа, ҳайрон бўлманг, Тугаевда кўйлар учун махсус салон очилган. Фақат у доимий эмас, икки мавсумда ишлайди.

**КАТТАЛАР
ИЛГАМАЙДИГАН
ИМО-ИШОРА**

Бельгиялик олимлар, миллатидан қатъи назар, 1,5—2 ёшдаги болаларнинг тезлик билан муносабатга кириша олиши ва бир-бирини сўзсиз тушунишлари ҳақидаги ҳулосага келдилар. Бу ёшдаги жажжилар катталар илгамайдиган телепатик эшитиш тизимига эга бўлар экан.

Болалар ўзини ким чин дилдан яхши кўриши ёки ясама муносабатни дарров билишларини япон олимлари ҳам аниқлашган. Кичкинтойлар катталар юрагидаги ҳис-туйғудан қисқа лаҳзада таъсирланиб, ўзига нисбатан муносабатнинг самимий ёки сунъий эканлигини дарҳол англаб, акс садо қайтаришар экан, деб ёзади Швейцарияда чиқадиган «Вельтвохе» газетаси.

**120-ЎЛЧОВДАГИ
КИГИЗ ЭТИК**

Вологдалик 75 ёшли отахонга мўлжалланган пийма этик дунё бўйича энг улкан деб тан олинди. Унинг муаллифи тадбиркор Николай Сайкин. 120-ўлчовдаги этикнинг узунлиги 157 сантиметр, оғирлиги 7,5 кило.

Этикнинг катта-кичиклиги ўз йўлига, аммо буни эгаси қай ҳолатда судраб юрар экан?

**ana shunaqa
gaplar**

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди —**Ma'rifat**

**ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:**
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукр ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулқар ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
№ 024 рақам билан 2003 йил
17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-1029.
Тиражи 20377. 1 2 3 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз
бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Шарифа МАДРАҲИМОВА.
Навбатчи:
Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ.

«Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб бош таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

© белгиси остида реклама материаллари берилди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.